

# Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2014 йил 28 ноябрь • № 48-49 (1017-1018)

## Анжуман

# «САЛОМАТЛИК — 2020» СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ БОЙ ТАЖРИБАСИ

**Кеча пойтахтимизда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг «Саломатлик – 2020» сиёсатини амалга ошириш бўйича олий даражадаги минтақавий анжумани ўз ишини бошлади.**

Анжуманда БМТнинг болалар жамғармаси – UNICEF, ЖССТ, UNFPA, UNESCO каби қатор нуфузли халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар вакиллари иштирок этишди. Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов кириш сўзи билан очиб, мамлакатимиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ишлар, эришилаётган ютуқлар ҳамда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати янада яхшиланганлиги, шунингдек, етакчи клиникаларимизда энг ноёб ва мураккаб операция жараёнлари муваффақиятли бажарилаётганлиги, унда юқори малакали мутахассисларнинг илмий салоҳияти муҳим ўрин тутаётганлигини таъкидлаб ўтди. Шу билан бирга, аҳоли саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлигини оширишда соҳа мутахассислари томонидан соғлом турмуш тарзи бўйича олиб борилаётган тарғибот ишлари натижасида касаллик кўрсаткичлари камайиб, халқимиз орасида умр кўриш давомийлиги ортганлиги тизимда босқичма-босқич давом этаётган ислохотларнинг ёрқин ифодаси эканлигини ҳам ўз фикрларида баён этди.

Шунингдек, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюросининг Саломатлик ва турмуш фаровонлигида сиёсат ва стратегия бошқаруви бўлими директори Агис Тсоурос, Руминия Соғлиқни сақлаш вазири Николай Баникию, Латвия Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Эгита Пол ва бошқалар ушбу анжуман барча давлатларнинг ҳамкорлигидаги эзгу мақсадларидан бири бўлган инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлигига қаратилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди. Анжуман иштирокчи-

ларига юртимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларга бағишланган видеофильм намойиш этилди.

Ҳаммамизга маълумки, Европа минтақасининг 53 та мамлакат тарихи, маданияти, тараққиёти, фаровонлик кўрсаткичлари, захиралар бойлиги жиҳатидан ниҳоятда хилма-хилдир. Бундай номуганосибликка қарамасдан минтақа давлатлари соғлиқни сақлаш ва халқ фаровонлиги, аҳоли турмуш даражаси бўйича Европа сиёсатининг асослари, "Саломатлик – 2020" стратегиясини тасдиқлаш ва мажбуриятларини қабул қилиш мақсадида 2012 йилнинг сентябрь ойида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюросининг йиллик сессиясида унга аъзо мамлакатлар томонидан "Саломатлик – 2020" сиёсати бир овоздан қўллаб-қувватланди. Табиийки, саломатлик ва фа-



ровонлик кўрсаткичларини яхшилаш бўйича катта тажрибага эга бўлиб бораётган Ўзбекистон ҳам "Саломатлик – 2020" стратегиясининг асосини ташкил қилувчи устувор йўналишлардаги мажбуриятларни бажариш борасида собит эканлигини билдирди.

Дарҳақиқат, кўплаб давлатлар-

да одамлар ўта мураккаб даврни бошидан кечираётган бир пайтда Ўзбекистон саломатлик ва халқ фаровонлигини янада яхшилаш борасида муваффақиятларга эришиб келмоқда.

Энг муҳими, ушбу кенг қамровли ислохотлар инсон ва унинг манфаатлари, турмуши обод ва

фаровон бўлишини таъминлаш учун хизмат қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган "Соғлом она – соғлом бола" дастури умуммиллий ҳаракатга айланди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудларда замонавий тиббиёт муассасалари тармоғи, шу жумладан, Республика ихтисослаштирилган педиатрия, акушерлик ва гинекология илмий марказлари ташкил этилди. Бундан ташқари, бугун мамлакатимизнинг барча вилоятларида она ва бола перинатал ҳамда скрининг марказлари фаолият кўрсатмоқда. Аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳомиладор аёлларни таркибида соғлиқ учун зарур микронутриентлар, махсус поливитамином билан таъминлаш орқали соғлом фарзандларни дунёга келтириш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бундай тажриба жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатиде учрамайди.

«Саломатлик – 2020» страте-

гияси мамлакатлар аҳолисининг турмуш даражаси ва фаровонлигини янада яхшилаш билан боғлиқ қатор устувор вазифаларни ўз ичига олади. Айти пайтда мазкур стратегия аҳоли саломатлик кўрсаткичларини яхшилаш, таълим сифатини ошириш, уларни уй-жой билан таъминлаш, озик-овқат хавфсизлиги ва сув, энергия таъминотини янада юксалтириш каби муҳим масалаларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Аҳамиятлиси шундаки, юртимизда «Саломатлик – 2020» стратегиясидаги устувор йўналишларни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон бой тажрибага эга эканлиги қатор мамлакатлар ва нуфузли халқаро ташкилот вакиллари томонидан эътироф этилиб, юксак баҳо берилмоқда.

Анжуман давомида иштирокчилар томонидан сессиялар бўйича долзарб мавзуларда

(Давоми 2-бетда).

Ушбу сонда



## ЭЗГУ МАҚСАДЛАРГА ҚАРАТИЛГАН ФАОЛИЯТЛАР ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Эътирофлиси шундаки, давлатимиз томонидан бирламчи тиббиёт тизимида қаратилган эътибор туфайли соҳада туб ўзгаришлар юз берди. Айниқса, 3 мингдан зиёд кишлоқ врачлик пункти аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим масканга айланди. Албатта, бундай натижаларга эришишнинг ўзи бўлмади.

3

## Анжуман

«САЛОМАТЛИК — 2020» СИЁСАТИНИ АМАЛГА  
ОШИРИШДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ БОЙ ТАЖРИБАСИ

маърузалар қилиниб, тақдиротлар ўтказилди. Кун тартибидеги асосий масалалар доирасида ўзаро фикр алмашулар ва қизгин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

– Бугунги тадбир доирасида инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлиги хусусида кўплаб ижобий фикрлар билдирилди. Жумладан, юртингизда "Саломатлик – 2020" сиёсати бўйича фаолиятлар муваффақиятли олиб борилаётганлигига гувоҳ бўлдик. Анжуманда мазкур

амалга оширилганлигини таъкидладилар. Шу ўринда айтишим лозимки, соғлиқни сақлаш тизимидаги муваффақиятларингиздан хабардорман. Намойиш этилган видеофильмдаги барча лавҳалар эътиборимни тортди. Соҳада ҳар бир йўналишга жиддий ёндошилганлиги, яратилган шароит ва имкониятлардан кўриниб турибдики, бу Президентингизнинг тиббиётга бўлган одилонга сиёсати деб билдим. Шу боис, мамлакатингизда бўлиб ўтаётган нуфузли форум, съезд, анжуманларда иштирок



стратегиянинг аҳамиятли томонлари халқингизнинг саломатлиги, турмуш фаровонлигида муҳим ўрин тутаяётганлигини иштирокчилар алоҳида таъкидлаб, тиббиёт соҳасида бу борада самарали ишлар

(Давоми. Боши 1-бетда).

этайётган халқаро экспертлар ҳам фаолиятингизга юқори баҳо бермоқда. Бу борада Ўзбекистоннинг тажрибаси бошқа давлатларга намуна бўла олади, – дейди Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюросининг Саломатлик ва турмуш фаровон-

лигида сиёсат ва стратегия бошқаруви бўлими директори Агис Тсоурос.

– Мазкур анжуман ҳар бир иштирокчи учун ўзига хос мактаб бўлди. "Саломатлик – 2020" сиёсати кенг қамровли лойиҳаларни ўз ичига олган бўлиб, бунда нафақат инсонлар саломат-

лиги, балки унинг манфаат ва турмуш фаровонлиги ҳам асосий ўринни эгаллайди. Бугунги анжуман давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим жиҳатлари бўлган ўзаро тажриба алмашуунинг ифодаси бўлиб қолади. Юртингизда барча соҳалар бўйича амалга оширилаётган ишлардан хабарим бор. Жумладан, соғлиқни сақлаш тизимидаги фаолиятлар билан танишар эканман, кўзни қувонтирадиган замонавий тиббиёт муассасалари, энг сўнгги русумдаги ноёб аппаратуралар, малакали мутахассисларингизнинг самарали меҳнатларини кўриб, анжумандан кўзланган мақсадлар рўйбга чиқаётганлигига амин бўлдим. Юрт келажаги бўлган фарзандлар саломатлиги учун яратилган имкониятлар ҳам улар баркамол

ва соғлом ўсишларида муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Анжуман борасидаги хулосаларим шуки, Ўзбекистон тиббиёт тизимида эришилган ютуқлар кўламини кенглигига амин бўлган ҳолда, бундай тажрибаларни ўз юртим – Латвияда ҳам татбиқ этамиз, – дейди Латвия Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Эгита Пол.

Ҳа, Ўзбекистонимиз халқ фаровонлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари устувор бўлган очиқ демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш борасида кўпчилик учун ўрناق бўладиган мамлакатга айланмоқда. Буларнинг барчасини юқоридаги фикрлар тасдиқлаб турибди.

Икки кунлик ушбу нуфузли анжуманда иштирок этган халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий давлат вакиллари юртимизнинг ҳар бир жабҳасида, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ эканлигини ўз фикрларида баён этиб, «Саломатлик – 2020» стратегияси мамлакатимизда аллақачон ўз маҳсулини бериб келаяётганлигини юксак баҳоладилар.

Ибодат СОАТОВА.

Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

## 2014 йил – Соғлом бола йили

## ТУҒРУҚХОНА ЯНГИ БИНОДА



Анджон шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 1-туғруқ мажмуасининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт муассасалари учун

янги бинолар қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратила-

ётгани таъкидланди. Амалга оширилаётган бундай ишлар тиббий хизмат сифати ва самардорлигини ошириш, аҳоли ҳамда соҳа ходимларига янада қулайликлар яратиш имконини бермоқда.

– "Анджон-бўстон" кўп тармоқли қурилиш-таъмирлаш корхонаси бунёдкорлари томонидан барпо этилган мажмуанинг янги биноси барча зарур тиббий воситалар билан таъминланган, – дейди туғруқ мажмуаси бош шифокори Оксана Елецкая. – Бу шаҳримиз аҳолиси, хусусан, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги ишларимизни янада юксалтиришга хизмат қилади.

Вилоятда "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида тиббиёт муассасаларини таъмирлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Избоскан, Ба-



лиқчи, Олтинқул ва Асака туманлари тиббиёт бирлашмалари, Избоскан туман силга қарши қурашиш диспансери, Улуғнор тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиника биноларидаги бу-

нёдкорлик ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилди. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Ф. УБАЙДУЛЛАЕВ,  
З. УМРЗОҚОВ  
олган сурат, Ўза.

## Хурматли газетхонлар!

Кейинги йилларда республика соғлиқни сақлаш тизимида бошқичма-бошқич амалга оширилаётган ислохотлар ўз самараси-

ни бериб келаяётганлиги қувонарли, албатта. Айниқса, давлатимиз томонидан бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизимида қаратилаётган эътибор бундан мустасно эмас. Газетамизда «Савол беринг – жавоб бера-

миз» рўқни остида мутахассислар билан мулоқот олиб борилмоқда. Агар Сизда бирламчи тиббий-санитария ёрдами ташкиллаштириш бўйича саволлар бўлса, вазирликнинг Марказий штаби barno.odilova@minzdrav.uz

электрон манзили ёки 241-86-16 телефон рақамига мурожаат қилинг.

Мутахассислар томонидан берилган жавоблар газетамиз саҳифаларида чоп этиб борилади.



Инвестиция дастури амалда

Самарқанд вилояти

# ЭЗГУ МАҚСАДЛАРГА ҚАРАТИЛГАН ФАОЛИЯТЛАР ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

2009 йилда тиббиёт тизимида Инвестиция дастурининг таъбиқ қилиниши тиббиёт муассасалари раҳбарлари олдида катта масъулият юклади. Айтиб ўтиш лозимки, мазкур дастур кенг қамровли бўлиб, туман тиббиёт бирлашмаларини янгидан барпо этиш, қайта таъмирдан чиқариш, шунингдек, оптималлаштириш жараёнини ўз ичига олган.

Шу билан бирга, ҳукуматимиз томонидан Инвестиция дастури бўйича ажратилган маблағлардан оқилона фойдаланиш ҳам бу масаланинг эътиборли жиҳатларидан бири бўлди. Албатта, дастур фаолиятини бошлаш осон кечмади. Бунинг учун давлатимиз ва барча мутасадди раҳбарлар ҳамкорлигида масалага чуқур ёндашилди. Мана, қарийб 5 йилдирки, давомий дастур аста-секинлик билан ўз натижасини бермоқда. Хиз-

ўзининг сифатлилиги, туман тиббиёт бирлашмаси ичида бўлимларнинг тартиб билан жойлашуви (оптималлаштириш) эътиборни ўзига жалб этади. Агар уларни солиштирадиган бўлсак, лойиҳалар бир-бирини такрорламайди. Бўлимларнинг ҳар бири тегишли меъёрлар асосида қурилганлиги ёки қайтадан реконструкция қилинганлиги ҳамда беморлар учун яратилган шарт-шароитлар бундан мустасно эмас. Эътирофлиси шундаки, давлатимиз томонидан



мат сафари давомида деярли республикаимизнинг барча вилоятларида бўлиб, мазкур ишларнинг гувоҳига айланиб келяпмиз. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги туман тиббиёт бирлашмалари, Бухоро, Наманган, Фарғона, Андижон, Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё ва Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаларига қарашли туман тиббиёт бирлашмаларида бўлиб, Инвестиция дастури бўйича амалдаги фаолиятлар билан танишдик. Тўрт-беш йил қисқа муддат бўлсада, айрим жойларда Инвестиция дастури асосида бажарилган ишлар

бирламчи тиббиёт тизимида қаратилган эътибор туфайли соҳада туб ўзгаришлар юз берди. Айниқса, 3 мингдан зиёд қишлоқ врачлик пункти аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим масканга айланди. Албатта, бундай натижаларга эришишнинг ўзи бўлмади. ҚВПларнинг биринчи, иккинчи, учинчи типларини ташкил этиш, айримларини янгидан қуриш, мавжудларини реконструкция қилишга катта эътибор қаратилди. Бу жараёнлар билан ёнма-ён тарзда ҚВПларни тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш ҳамда жиҳозлаш, шунингдек, мутахассисларни ўқитиш ҳам муҳим масалалар доирасига киритилди. Бу ишлар ҳамкорлик-

да амалга оширилади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва "Саломатлик-1, 2" лойиҳалари ҳамжиҳатликда иш юритдилар. "Саломатлик-1, 2" лойиҳалари доирасида республика миқёсидаги ҚВПлар замонавий тиббий асбоб-ускуналар, жиҳозлар билан таъминланган бўлса, фаолиятдаги шифокорлар 10 ойлик ўқув курсларида (умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш) ўқитилди. Айни пайтда амалга оширилган ушбу ишлар ўз натижасини бериб, аҳоли орасида касаллик кўрсаткичлари пасайиб, уларнинг олди олинди, тиббий хизмат сифати ошди, оналар ва болалар орасидаги ўлим ҳолатлари камайди, умр-

давомийлиги ошди, халқимизнинг тиббиётга бўлган ишончи ортди. Бу ишларнинг узвий давоми сифатида туман тиббиёт бирлашмалари (бўлимлари), оилавий поликлиникаларнинг Инвестиция дастури асосидаги фаолиятлари ҳамда "Саломатлик-3" лойиҳаси томонидан янги аппаратуралар, тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланаётганлиги аҳолининг узоғини яқин қилмоқда. Жумладан, туман тиббиёт бирлашмаси бўлимларининг замон талаблари даражасида меъёрий тарзда жойлашуви аҳоли учун жуда катта қулайлик бўлибгина қолмай, вақт ва иқтисодни ҳам тежайди. Бундан ташқари, "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасидаги энг сўнгги русумдаги рақамли рентген ҳамда УТД аппаратлари ва бир қанча тиббий асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш билан бирга, касаллик ташхисини тўғри аниқлашда катта роль ўйнамоқда. Шу ўринда бир нарсага ойдинлик киритиш муҳимки, "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида режалаштирилган тиббий асбоб-ускуналар биринчи навбатда туман тиббиёт бирлашмалари бўлимлари ҳамда туман кўп тармоқли марказий поликлиникаларига берилиши мўлжалланган. Шу кунга қадар туман тиббиёт бирлашмаларининг диагностика, терапия, юқумли касалликлар, стериллаш, болалар, қабул бўлимлари ва палаталари, реанимация ва опера-

ция блоклари, лаборатория, муолажа хоналари ҳамда навбатчи ҳамшира постлари ва тиббиёт ходимлари учун замонавий тиббий асбоб-ускуналари берилди. Туман кўп тармоқли марказий поликлиникаларнинг қабул, диагностика, отоларингология, травматология-ортопедия, рабиология, хирургия, урология, невропатолог, онколог, офтальмолог, пульмонолог, эндохнолог, терапевт, акушер-гинеколог, педиатр, боғлов, марказий лаборатория хоналари ҳам лойиҳа томонидан режалаштирилган кўплаб тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Йил охиригача туман тиббиёт бирлашмаси ва туман кўп тармоқли марказий поликлиникаларига қолган аппаратураларни ҳам олиб келиш кутилмоқда.

Юқорида тилга олиб ўтилган фаолиятлар бўйича бир неча йилдирки, "Саломатлик-1, 2, 3" лойиҳалари ҳамкорлигида республика миқёсидаги тиббиёт муассасаларида бўлиб, жараёнларни кузатиб келмоқдамиз. Сўнгги йилларда "Саломатлик-3" лойиҳаси билан ҳамжиҳатликдаги ишларимиз Инвестиция дастурининг ўз вақтида сифатли амалга оширилиши билан бирга, давлат маблағларидан оқилона фойдаланиш ҳамда лойиҳа доирасидаги режаларнинг қай даражада бажарилаётганлигини

(Давоми 4-бетда).



**Бугунги кунда юртимизнинг қайси бир жабҳасида бўлмайдик, инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлигига қаратилаётган ишлар кўлами ниҳоятда кенглигига амин бўламиз. Бу албатта, халқимизнинг орзу-умидлари мужассам бўлган нурли манзиллар сари одим ташлаётганлигимиз жамият тараққиётининг равнақ топиб бораётганидан далолатдир. Шундай экан, жаннатмакон серкўёш Ўзбекистонимиз тупроғи олтинга тенглиги, осмонимиз мусаффолиги-ю, юртимиз тинчлиги энг катта бойлигимиз эканлигини ҳар сония дилдан ҳис этиб, фахр билан яшашга ҳақлимиз.**

## ЭЗГУ МАҚСАДЛАРГА ҚАРАТИЛГАН ФАОЛИЯТЛАР ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

кўрсатиш қаторида, вилоятлар орасидаги тафовутларни соғлиқни сақлаш имконияти яратмоқда.

Куни кеча мазкур йўналишлар бўйича Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли Самарқанд ва Жомбой туман тиббиёт бирлашмалари ҳамда туман кўп тармоқли марказий поликлиникаларининг фаолиятлари билан танишиб қайтдик.

Яқинда "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида Бухоро ва Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармалари тасаруфидидаги туман тиббиёт бирлашмаларида бўлганимизда, Инвестиция дастури бўйича амалга оширилган ишлар билан танишиш асносида лойиҳа томонидан келтирилган рақамли рентген аппаратлари ўрнатилганлиги (2 типда), (дигитайзер) ва УТД аппаратлари, айрим тиббий асбоб-ускуналардан тўғри фойдаланилаётганлигини кузатдик. Ушбу



рени оширомоқда. 2012 ва 2013 йилларда Инвестиция дастури бўйича болалар, туғруқ, диагностика, гинекология, шошилинч, реанимация бўлимлари реконструкция қилинди. 150 ўринга мўлжалланган туман кўп

лик-1, 2" лойиҳалари томонидан зарурий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Айни пайтда "Саломатлик-3" лойиҳаси туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда туман марказий поликлиникамизга энг замонавий рентген ва УТД аппаратлари, музлаткич, центрифуга, ЭКГ, монитор, автоклав ва бир қанча тиббий асбоб-ускуналарни тақдим этишди. Айниқса, рақамли рентген (дигитайзер) ҳамда УТД аппаратларининг ишлатилаётганлиги беморлар, шунингдек, ўз соғлигини текширишига келаётган фуқароларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш баробарида тўғри ташхис қўйиш имкониятига эга бўлмоқда. Стационарда даволанаётган беморларимиз учун диагностика бўлимида янги рентген аппарати ўрнатилди. Амбулатор шароитда, яъни марказий поликлиникамиздаги рентген аппарати ишга тушди. УТД аппаратлари

врачлар малакасини ошириш институти кафедралари, Самарқанд Давлат тиббиёт институти кафедралари мутахассислари ҳамда "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида ташкил этилган

Жорий йилда туман кўп тармоқли марказий поликлиникамизга «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида Япония давлатида ишлаб чиқарилган бир комплект RAD Speed MF номли



вилоятларда рентген аппаратлари ўрнатилган, мутасаддиларнинг айтишларига қараганда, йил охиригача мазкур аппаратнинг ишлатилиши режага киритилган. УТД аппаратлари эса аҳоли хизматида.

Самарқанд вилоятининг Самарқанд туман тиббиёт бирлашмасига кириб борганимизда аҳоли гавжумлигини кўриб, ушбу шифо масканида ишлар намунали йўлга қўйилганлигига гувоҳ бўлдик. Аввало, мутасадди Инвестиция дастури асосида бажарилган фаолиятлар юзасидан **туман тиббиёт бирлашмасининг даволаш ишлари бўйича бош шифо-кор ўринбосари Замира Маъмурова билан сўхбатда бўлдик.**

Инвестиция дастурининг татбиқ қилиниши барча шифо-хоналар қатори Самарқанд туман тиббиёт бирлашмасининг иш фаолиятини тубдан ўзгартирди десам, хато бўлмайди. Энг асосийси, бирлашмадаги оптималлаштириш ишларининг яхши йўлга қўйилганлиги халқимизнинг узоғини яқин қилиш билан бирга, уларнинг саломатлигига бўлган эътибо-

тармоқли поликлиникаси таъмирдан чиқарилди ва унга қўшимча равишда 100 қатновга мўлжалланган янги поликлиника ишга туширилди. Кейинги режаларда стоматология, стериллаш, маъмурият, юкүмли касалликлар бўлимларини янгидан барпо этиш кўзда тутилган. Халқимизнинг даволаниши учун бўлимларимизда барча шароит ва имкониятлар яратилган. Таъкидлаб ўтишим лозимки, Юртбошимиз томонидан соҳага оид чиқарилаётган қарор, фармон, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари замирида инсон саломатлиги муҳим ўрин тутишини ҳар бир тиббиёт ходими чуқур англаб етмоқда. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида, аввало, бирламчи тиббиёт тизимини янада шакллантиришга қаратилган мақсадлар бугунга келиб ўз маҳсулини бермоқда. Бу борада тиббиёт ходимларимиз ўз ишларига жиддий ёндашган ҳолда аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш баробарида оилаларга чуқур кириб бормоқдалар. Эришилаётган натижаларни туманимиздаги 21 та қишлоқ врачлик пункти фаолиятида кўриш мумкин. Мазкур ҚВПлар "Саломат-



айни пайтда даволанувчилар ҳамда аҳоли хизматида. Юртбошимизнинг инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлигига қаратаётган эътибор ва ғамхўрликлари, бу албатта, биз тиббиёт ходимларининг унумли меҳнат қилишига кўрсатилаётган эътироф деб биламан.

Шундай экан, яратилаётган барча имкониятлар ҳар биримизни чин дилдан ишлашга ундаётганлиги бежиз эмас. Жамоамизда кадрлар масаласига ҳам катта эътибор қаратиб келмоқдамиз. Уларнинг касбий малакасини бойитишда Тошкент



ўқув курсларининг ўрни алоҳида бўлмоқда. "Соғлом бола йили" Давлат дастури асосида ҳам муайян ишларни амалга оширдик. Йил охиригача кўзланган мақсадга эришиш учун бор имкониятларимизни ишга солиб, халқимиз саломатлигини муҳофаза қилишга ўз хиссамизни қўшамиз.

**Ирода ШУКУРОВА,**  
**Самарқанд тумани кўп тармоқли марказий поликлиника врач-рентгенологи:**

– Кейинги йилларда юртимиз тиббиётида катта ўзгаришлар бўлиб, беморлар, қолаверса халқимиз саломатлиги учун кенг шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Шу билан бирга биз тиббиёт ходимларининг самарали ишлаши учун замон талабларига жавоб бера оладиган стандартлар, ноёб аппаратларнинг мавжудлиги аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда муҳим ўринга эга бўлмоқда. Бир неча йиллар олдин кичик ҳажмга эга бўлган рентген аппаратларида ишлар эдик. Мана, бугунга келиб, янги типдаги биноларда энг сўнги русумдаги аппаратлардан фойдаланаяпмиз. 11 йилдан буён врач-рентгенолог вазифасида ишлаб келаман.

рақамли рентген аппарати (дигитайзер) берилди. Мазкур аппарат лойиҳа доираси бўйича меъёрий тартибда мутахассислар томонидан ўрнатилди. 2014 йилнинг июль ойида вилоятимизга пойтахтдан ташриф буюрган соҳа мутахассислари уч кун давомида ушбу рақамли рентген аппарати (дигитайзер)да ишлаш жараёнларини ўргатиб кетишди. Айни пайтда рентген аппаратида қабулган келганлар саломатлигини текширяпмиз. Ушбу ноёб технологияларнинг афзаллиги шундаки, тўғри ва сифатли ташхис қўйиш, ўз архивида маълумотлар базаси мавжудлиги, тезкорлиги аҳоли учун енгиллик туғдиради. Олдингидек, ҳар қандай зарарли кимёвий моддалардан фойдаланишга ҳолат қолмади. Албатта, бундай қимматбаҳо аппаратлар мамлакатимизга катта маблағ ҳисобида келган. Бундай ноёб технологиялардан оқилона фойдаланиб, уларни асраб-авайлашимиз зарур. Шу боис, рентген аппарати ўрнатилгач, унинг инвентар рақамини белгиладик. Бундан ташқари, авваллари рентген

(Давоми. Боши 3-бетда).

(Давоми 5-бетда).

Республикамизнинг энг чекка ҳудудларида барпо этилаётган замонавий шифо масканларининг ташқи ва ички кўриinishлари ва ундаги фаолиятларнинг барқарорлиги аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлашда, қолаверса ҳар бир фуқаронинг саломатлик борасидаги қарашлари ва фикрлари ижобий шаклланишида муҳим ўрин тутаётганлиги уларнинг тиббиётга бўлган ишончини ифодаламоқда. Шу жумладан, бирламчи тиббиёт тизимидаги туб ўзгаришлар айна пайтда соҳа мутахассисларининг билим ва тажрибаси кундан-кунга ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда.



## ЭЗГУ МАҚСАДЛАРГА ҚАРАТИЛГАН ФАОЛИЯТЛАР ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

аппаратидан ўтаётган шахсларни авваллари оддий дафтарга қайд этар эдик. Эндиликда эса Республика шотинч тиббий ёрдами илмий марказининг ўқув курсига малака оширишга борганимизда, у ерда рентген аппаратлари учун алоҳида клиник-муҳандислик паспорти очилганини кўрдик. Биз ҳам ушбу дафтарчадан олиб келиб, унинг муқовасида ташкилот номи, аппарат ишлаб чиқарилган компания номи ҳамда рентген аппарати номи ва жавобгар шахснинг исм-фамилиясини ёзиб қўйдик. Дафтарчанинг ички саҳифасида рентгенга тушган беморнинг исм-фамилияси, санаси ва вақти, ташхиси ҳамда врач-рентгенолог билан рентгенолог-лаборантнинг имзоси белгилаб қўйилади. Бу албатта, фаолиятни тўғри юритиш

ривожланиш даражасини кўрсатиб беради. Шу ўринда айтиш муҳимки, бу каби замонавий аппаратларда ишлаш соҳа мутахассисидан тажриба, ҳушёрлик ва масъулият талаб этади. Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг ультратовуш диагностикаси кафедрасида малакамни ошириб, аппаратда ишлаш меъёрларини ўрганиб қайтдим. Давлатимиз биз каби шифокорлар меҳнатини қўллаб-қувватлаб, барча шароитларни яратиб бераётган экан, вақтдан унумли фойдаланган ҳолда халқимиз саломатлигини муҳофаза қилишда ўз меҳнатимизни аямаслигимиз керак.

**Манзура ТЕМИРОВА,**  
**Самарқанд тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси ҳамшираси:**  
– 13 йилдан буён УТД хонасида ҳамшира бўлиб ишлаб келяман. Фаолиятим давоми-



66 ёшли Хосият ая Самарқанд тумани кўп тармоқли марказий поликлиника ходимлари меҳнатидан мамнун.



**Карим ҚАЮМОВ,**

**Самарқанд тумани «Оқ мачит» маҳалла фуқароси:**

– Ҳар йили икки марта тиббий кўриқдан ўтиб тураман. Йил бошида УТД текширувдан ўтиш учун келганимда, бошқача аппаратда жигаримни текширтирган эдим. Бу сафарги ташрифимда «Саломатлик-3» лойиҳаси томонидан тақдим этилган янги УТД аппаратида жигар, ўт қоғи, бўйрагимни текширувдан ўтказдим. Тажрибали УТД врачлари Фируза Абдурахмонова синчковлик билан текширув ўтказгач, жигаримда озгина ўзгариш борлиги ва унинг олдини олишим муҳимлигини таъкидлаб, тегишли мутахассисга мурожаат этишимни тавсия қилдилар. Аввало, мен бундай ноёб, кўп қиррали замонавий аппаратга тушиб, ўз соғлигим тўғрисида муҳим маълумотларга эга бўлганлигимдан хурсанд бўлдим. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишдек ишда бош бўлаётган давлатимиз раҳбари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигига самимий миннатдорлигимни билдириб қоламан.

авваламбор, соғлом турмуш тарзига риоя қилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Тўлқин МЕҲМОНҚУЛОВ,**  
**Самарқанд тумани тиббиёт бирлашмаси врач-рентгенологи:**

– Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш борасида муайян ишлар қилиниб, соҳада туб ўзгаришлар бўлмоқда. Айниқса, мамлакатимиз тиббиёт соҳасига кириб келаётган янги технологияларнинг инсон ҳаётидаги афзалликларини касаллик-

навий тиббиёт муассасалари, энг сўнгги русумдаги аппаратуралар, салоҳиятли кадрлар, мураккаб операция жараёнларининг юқори малакали мутахассислар томонидан муваффақиятли амалга оширилаётганлигини юртимизга келтириб бериш хорижлик ҳамкасбларимиз тан олишмоқда. Шунингдек, соҳанинг йўналишига бағишлаб ўтказилаётган нуфузли тадбирларда биздек мутахассисларнинг таклиф этилиши назарий ва амалий билимларимизни бойитишга хизмат қилмоқда. Диагностика бўлимига Япо-

чик операцияларни амалга оширади. Шогирдларим лаборант-рентгенологлар Дилафрўз Қосимова, Фаридун Раҳмоновлар ўз ишини яхши биладилар ва дигитайзерда бемалол ишлай оладилар. Учаламиз ҳам мазкур рентген аппарати ва дигитайзерда мукамал ишлай олиш учун ўқув курсларида таҳсил олдик. Мақсадимиз эл саломатлигини асраш экан, билим ва тажрибамизни бойитиб бориш ҳамда аҳоли билан ҳамжиҳатликда ишлашимиз зарур деб биламан.

билан бирга, ушбу рентген аппаратидан оқилона фойдаланишимизга ундайди.

**Фируза АБДУРАҲМОНОВА,**  
**Самарқанд тумани кўп тармоқли марказий поликлиника УТД врачлари:**

– «Саломатлик-3» лойиҳаси томонидан янги русумдаги ультратовуш диагностикаси аппаратининг халқимиз хизматида тақдим этилганлигидан нафақат аҳоли, балки биз мутахассислар ҳам хурсанд бўлмоқдамиз. Чунки, ушбу аппарат монитори катта, текширувдаги имкониятлари кенг, шу билан бирга, тезкор ва аниқ ташхис қўя олиши билан бизга энгиллик туғдирмоқда. Мазкур аппаратда ички аъзоларнинг барчасини кўриш имконияти бор. Бундан ташқари, гинекологияга оид (миома, киста) касалликларни ҳам аниқлаб бера олади. УТД аппарати поликлиникамизга август ойларида олиб келинган бўлса, шу кунга қадар кўплаб беморлар ҳамда мурожаат қилган фуқаролар саломатлигини текширувдан ўтказиб келмоқдамиз. Шунингдек, унда доплер ҳам мавжуд бўлиб, ҳомиланинг

да кўпчилик фуқаролар томонидан УТД аппаратида эҳтиёж катталигини биламан. Авваллари ҳам бошқа русумдаги УТД аппаратларида текширувлар олиб борилар эди. «Саломатлик-3» лойиҳаси томонидан берилган янги типдаги УТД аппарати текшириш учун келатган аҳолининг кўплигини кўриб, уларнинг ўз саломатлигига бўлган эътибори ошганлигини



кўраман. Асосий вазифам УТД врачига ёрдам бериш, қабулга келган фуқароларга яхши муомалада бўлиб, уларга қўйилган ташхис бўйича керакли мутахассисларга йўллашдан иборатдир. Катта имкониятга эга бўлган бундай аппарат хизматидан мамнун бўлаётган аҳолининг тиббиётга бўлган ишончи янада ортиб бормоқда. Халқимиз ўз саломатлигини асрашда,

ларни эрта аниқлаш ва унинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бир пайтлар ривожланган мамлакатлар етакчи клиникаларидаги ноёб аппаратураларни телевидение орқали кўриб, ҳавас қилардик. Эндиликда эса замонавий технологияларнинг юртимизга шиддат билан кириб келиши тиббиётимизнинг ривожланиб бораётганлигидан далолатдир. Замо-

нида ишлаб чиқарилган бир комплект Flexavision SF русумли универсал стационар рентген аппарати (дигитайзер) келтирилиб ўрнатилди. Уни йил охиригача ишга тушириш режалаштирилган. Ушбу рентген аппаратининг афзалликлари жуда катта. Рентген қилиш баробарида кичик операцияларни бажариш имконияти ҳам бор. Жумладан, организмга тушиб қолган ёт жисмларни тасвирга олиш каби ки-

**Шохсанам ЭРГАШЕВА,**  
**Самарқанд тумани тиббиёт бирлашмаси УТД врачлари:**

– 10 йилдан буён УТД врач бўлиб ишлаб, шу йиллар мобайнида Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ультратовуш диагностикаси кафедрасида малакамни

(Давоми 6-бетда).

(Давоми. Боши 4-бетда).



Кейинги йилларда аҳоли орасида кўплаб касалликларнинг эрта аниқланиши ва уларнинг олди олиниши, умр давомийлигининг ортиши бу албатта, соғлом турмуш тарзи кенг тарғиб қилинаётганлигидан далолатдир. Шундай экан, бу ўринда умий амалиёт шифокорлари ҳамда патронаж ҳамшираларнинг меҳнатлари катта, десак муболаға бўлмайди. Мақсадимиз – инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлигига қаратилган экан, барчамиз бирдек масъул бўлиб, ҳамжихатликда иш юритсаккина олдимизга қўйган вазифаларни адо этган бўламиз.

## ЭЗГУ МАҚСАДЛАРГА ҚАРАТИЛГАН ФАОЛИЯТЛАР ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

бойитиб келмоқдаман. «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида тақдим этилган УТД аппаратида бемалол фаолият юритяпман. Чунки, унинг экрани катта, механизмлари кенг, шу билан бирга унда доплернинг мавжудлиги аппаратнинг кўп қиррали эканлигини кўрсатади. Бундан ташқари, аппаратдаги доплер ҳомиланинг юрак уриши, ривожланиши, ундаги наслий касалликларни ҳам аниқлай олади. Ҳомиладор аёллар ҳомилани текширтириш учун вилоятдаги скрининг марказларига мурожаат қилишар эди. Эндиликда эса шу ернинг ўзида ушбу УТД аппаратида текшириш имконияти бор. Янги УТД

(Давоми. Боши 5-бетда).

**Феруза ТЎРАЕВА,  
уй бекаси:**

– Қизим Наргизанинг буйрагини УТД қилдириш учун врач Шоҳсанам Эргашева қабулига келдик. Тажрибали врач фарзандимнинг ички аъзоларини текшириб кўргач, буйракда шомоллаш аломатлари борлигини айтди. Текширув жараёнида аппарат мониторида Наргизанинг барча ички аъзоларини рангли тасвирда кўриб турдим. Бир зумда чиқарилган тўғри ташхисларни кўриб, бундай ноёб аппаратлар юртимизга келтирилганлигидан хурсанд бўлдим. Аввало, касал бўлмайлик, лекин йилда икки мартаба ана шундай аппаратлар текширувидан ўтиб турсак, фойдадан ҳоли бўлмас эди. Она ва бола саломатлигига катта эътибор қаратаётган Юртбошимизга чексиз ҳурматимни билдираман.

аппаратини бошқаришни чуқурак эгаллаш учун Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг ультратовуш диагностикаси кафедрасида малака ошириб қайтдим. Албатта, ҳар биримиз

ҳам касбимизга жиддий ёндашган ҳолда ишласак, тиббиётнинг олий мақсади бўлган инсон саломатлигини сақлашга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз. Бунинг учун ўз устимизда мукамал иш-



лашимизни даврнинг ўзи тақозо қатъий амал қилишимиз зарур этаётганлигини унутмаслик ва унга деб биламан.

### Жомбой тумани

**Илҳом ВОҲИДОВ,  
Самарқанд вилояти Жомбой туман тиббиёт бирлашмаси  
бошлигининг амбулатория-поликлиника хизмати бўйича  
ўринбосари:**

– Туман тиббиёт бирлашмамиз 260 ўринга мўлжалланган, унда 16 та бўлим мавжуд бўлиб, буларнинг барчаси 2012-2013 йилларда Инвестиция дастури асосида қайта таъмирдан чиқарилди. Болалар, юқумли касалликлар, қон қуйиш, зарарсизлантириш бўлимлари, маъмурият, ошхоналар янгидан қуриб битказилди. Туманимизда 146 минг 550 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларга 1238 нафар тиббиёт ходими малакали тиббий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, 250 қатновга мўлжалланган кўп тармоқли марказий поликлиника ҳам қайта таъмирдан чиқарилиб, ҳудуд аҳолиси учун барча шароитлар яратилди.

«Саломатлик-3» лойиҳаси доираси бўйича режалаштирилган рақамли рентген ҳамда УТД аппаратлари ва бир қанча тиббий асбоб-ускуналар келтирилиб, аини пайтда аҳоли хизматида.



**СУРАТЛАРДА:** Самарқанд вилояти Жомбой туман тиббиёт бирлашмасида Инвестиция дастури асосида янгидан бунёд этилган ва қайта реконструкция қилинган бўлимлар.

**Ҳурматли муштарийлар!**  
**«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш –  
Здравоохранение Узбекистана»  
газетасига  
2015 йил учун обуна  
мавсуми давом этмоқда.  
Республикамиз тиббиёт тизимида  
амалга оширилаётган ижобий ишлар  
ҳамда ҳамкасбларингиз тажрибаси  
билан танишишни, шунингдек,  
тиббиёт янгиликларидан хабардор  
бўлишни истасангиз, севимли  
газетангизга ҳозирок обуна бўлишни  
унутманг!**  
Нашр индекси: 128.

«Саломатлик-3» лойиҳасини татбиқ этиш  
марказий бюроси.  
Ижрочи директор **Ж. ЖАБРИЕВ.**  
100007, Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 51,  
Тошкент врачлар малакасини  
ошириш институти, 3-қават.  
Телефонлар: 268-08-19, 267-73-47.  
268-25-39 (факс). E-mail:office@jpib.uz  
Лойиҳа материалларини Ибодат СОАТОВА тайёрлади.  
Муаллиф олган суратлар.

## Илмий-амалий анжуман

## ҲАМЖИҲАТЛИКДАГИ САМАРАЛИ НАТИЖАЛАР

**Жорий йилнинг 15 ноябрь куни Урганч шаҳрида Ўзбекистон врачлар ассоциацияси, Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси, Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг Хоразм вилояти бўлими ҳамкорлигида "Аҳолининг касалланиш кўрсаткичларига таъсир қилувчи хатарли омиллар ва уларнинг олдини олишда долзарб масалалар"га бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**



Тадбирда Хоразм вилояти ҳокими, сенатор П. Бобожонов, Ўзбекистон врачлар ассоциацияси раиси, ўринбосарлари ва унинг шахар, вилоят бўлимлари бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали ўқитувчи ва талабалари иштирок этдилар.

Тадбирни Хоразм вилояти ҳокими П. Бобожонов кириш сўзи билан очиб, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ишлар бугунга келиб ўзининг самарали натижаларини бераётганлиги, шу билан бирга аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатининг кундан-кунга ошиб бораётганлигини эътироф этди. У бунинг ифодаси сифатида Юртбошимиз томонидан тиббиёт соҳасининг ҳар бир йўналиши эътиборга олинаётганлигини, жумладан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кадрлар масаласи, эпидемиологик барқарорлик, шунингдек, бирламчи тизим фаолияти давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланганлигини эришилаётган ютуқлар мисолида таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон врачлар ассоциацияси раиси, профессор А. Худайбергенов мазкур илмий-амалий конференцияда сўзга чиқиб, мавзу доирасида, яъни аҳолининг касалланиш кўрсаткичларига таъсир қилувчи хатарли омиллар ва уларнинг олдини олишдаги долзарб масалаларга алоҳида урғу қаратди. Маърузачи тиббиёт ходимлари олдида турган долзарб муаммолардан бўлиб келаётган ноинфекцион касалликлар, жумладан юрак қон-томир, онкологик, қандли диабет каби касалликларни эрта аниқлаш ва унинг олдини олишда профилактика ишларини кучайтириш муҳимлигини таъкидлаб, мазкур касалликлар

аҳоли орасида ногиронлик ва ўлим ҳолатларига олиб келаётганлигини эслатди. Шу билан бирга ноинфекцион касалликларнинг кўпайиши аҳоли яшаётган экологик вазият билан ҳамбарчас боғлиқлиги, бунинг исботи сифатида яқин вақтларгача катталиги бўйича дунёда тўртинчи кўл бўлган Орол денгизи табиий захирага бойлиги билан машҳур бўлиб, Орол бўйи минтақаси ривожланаётган ва биологик жиҳатдан бой табиий муҳит хисобланар эди. Бугунги кунда Орол денгизининг катта қисми 5,5 миллион гектардан иборат кум-туз саҳросига айланганлиги ва олимларнинг фикрича, қуриб бораётган денгиз тубидан 75 миллион тоннадан кўпчанг ва захарли туз кўтарилиб, 400 километрлик майдон бўйича тарқалаётганлиги ҳамда минтақада ҳайвонот олами генфондининг деярли ярмидан кўпи, яъни балиқларнинг 11 та, сут эмизувчиларнинг 12 та, қушларнинг 26 та ва ўсимликларнинг 11 та тури йўқ бўлиб кетганлигини афсус билан тилга олди.

Шу ўринда таъкидлаш муҳимки, бу глобал муаммо ўз навбатида аҳолининг касалланиш кўрсаткичларига салбий таъсир қилаётганлиги ҳеч бидиримизга сир эмас. Орол бўйи минтақасида юрак қон-томир, нафас олиш йўллари касалликлари, айниқса онкологик касалликлар йилдан-йилга кўпаймоқда. Минтақа аҳолисининг шароитларини яхшилаш борасида Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бунга жорий йилнинг 29 октябрида "Орол денгизи минтақасидаги экологик офат ва оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш" конференцияси мисол бўлади. Унда юздан ортиқ халқаро эксперт ва донор жамиятларининг вакиллари иштирок этишган эди. Мазкур конференция иштирокчиларига Президентимизнинг йўллаган табригида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси 2013 йил-

дан буён БМТ, Европа Иттифоқи, етакчи халқаро ташкилотлар ва молия институтлари кўмагида Орол денгизи ҳавзасидаги мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича 300 дан зиёд лойиҳадан иборат учинчи дастур амалга оширилиши ва бу лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш учун 8,5 миллиард доллардан зиёд маблағни жалб қилиш зарурлиги таъкидланган. Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг навбатдаги йиғилиши ҳам Урганч шаҳрида ўтказилганлиги бежиз эмас. Шундай экан, Орол бўйи минтақасида фаолият кўрсатаётган врачларнинг малакасини ошириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, халқаро жамоат ташкилотлари қаторида Ўзбекистон врачлар ассоциацияси фаолиятида ҳам муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон врачлар ассоциацияси 1992 йилда ташкил топган бўлиб, унинг асосий мақсад ва вазифалари биринчи навбатда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонунини амалга ошириш, ассоциация аъзоларини қўллаб-қувватлаш, фахрий врачларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, врачларнинг малакасини оширишга эътибор қаратишдан иборатдир. Ассоциациянинг янги Низомига асосан кўшимча вазифалар, яъни диагностика ва даволаш стандартларини ишлаб чиқиш, биоэтика масалаларини такомиллаштириш каби вазифалар қўшилди.

Бундан ташқари, ассоциация юқоридаги вазифаларни бажариш мақсадида иккита тиббиёт журналини нашр этмоқда, масофадан ўқитиш дастурини ривожлантирмоқда, илмий ва амалий тиббиёт ходимлари ўртасида танловлар ўтказиб, тиббиёт олий ўқув юртлари талабаларига стипендиялар бериш, ассоциация аъзоларини касбий ва юридик ҳимоя қилиш билан шуғулланмоқда.

Конференция кун тартибидан ўрин олган долзарб мавзулар бўйича малакали мутахассислар томонидан маърузалар қилинди. Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш, молиялаштириш ва бошқариш кафедраси мудир, профессор Д. Асадов "Жаҳон соғлиқни сақлаш тизими инқирози – сабаблари ва ундан чиқиш йўллари" мавзуси бўйича ўз фикрларини билдириб, бу борада Ўзбекистон тиббиёти ўзига хос тажрибага эга эканлиги ва унинг натижасида аҳоли орасида касаллик кўрсаткичлари камайиб, халқимизнинг умр кўриш давомийлиги ошиб бораётганлиги хусусида тўхталди. Академик Т. Даминов болаларда вирусли диарея муаммолари ва даволашнинг замонавий жиҳатлари-

га алоҳида эътибор қаратиб, бемор болаларни даволашга тиббиёт ходимлари жиддий ёндашишлари, шу билан бирга ота-оналар ўзларича даво муолажа қилмасликлари ва

Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятида истиқомат қилаётган аҳоли саломатлиги учун ўта муҳимлигини таъкидлаш лозим. Демак, юқоридаги касалликлар бўйи-



тўғри ташхисдан сўнггина дори-дармонларни меъёрида ишлатиш зарурлигини айтиб ўтди.

Шунингдек, Республика эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази директори С. Исмоилов қандли диабет касаллиги ҳозирги долзарб тиббий-ижтимоий муаммо эканлигини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати З. Ботирова фуқаролар репродуктив саломатлигини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази директори З. Сиддиқов мамлакатимизда аҳолига офтальмологик ёрдамни кўрсатишдаги муаммолар ва ютуқлар тўғрисида, Тошкент педиатрия тиббиёт институти профессори Э. Турсунов кесаларда паркинсон, альцгеймер касалликларида бош мия нейронларининг морфологик ўзгаришлари ҳақида, Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази профессори Р. Маҳмудов юрак қон-томир касалликлари ва ўлимни камайтириш мақсадида хавф омилларини аниқлаш ва уларнинг олдини олишни яхшилаш муаммолари хусусида маъруза қилдилар.

Конференция давомида кўтарилган асосий масалалар бўйича мутахассислар ўртасида ўзаро фикр алмашувлари бўлиб ўтди. Соҳа етакчи мутахассислари тизимдаги ютуқлар қаторида муаммо ва камчиликлар мавжудлигига алоҳида эътибор қаратиб, уларни бартараф этиш бўйича ўз таклифларини киритдилар.

– Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг ўзига хос ўрни борлигини фаолиятимиз давомида кўриб, услубий ва амалий ёрдам олиб келмоқдамиз. Айниқса, бугунги конференцияда кўтарилган муҳим мавзулар

ча, аввало, халқимиз орасида профилактика ишларини кучайтириш муҳимлиги малакали мутахассислар томонидан айтиб ўтилди. Ҳар бир маъруза кўрсаткич ва далиллар асосида изоҳлаб берилди. Бу албатта, биздек ёш мутахассисларни ҳар томонлама изланиш, астойдил меҳнат қилишни тақозо этади, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси, Қораўзак тумани шифокори, ассоциация аъзоси Рамиза Сафарниёзова.

– Кенг аудиторияда ўтказилган ушбу конференцияда "Болаларда туғма чаноқ-сон чиқишининг олдини олиш ва даволаш" номли маърузада, касалликнинг келиб чиқиш сабаблари, унинг амалиёти ва даволаш усуллари бўйича замонавий ёндашув, шу билан бирга чақалоқ туғилгандан сўнг ортопед назоратидан ўтиши, агар юқоридаги касаллик аниқланса, ташхисга қараб 5-6 ойдан сўнг даво муолажалари ёки бўлмаса операция йўли билан (босқичма-босқич) даволанади. Бунда албатта, илмий асосланган далилларга амал қилган ҳолда асептика-антисептика қоидаларига риоя қилиш зарур. Муолажалардан кейин ҳам бемор мутахассис назоратида бўлиши керак, – дейди Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти профессори А. Жўраев.

Ушбу илмий-амалий ҳудудий конференция орқали врачларнинг билим ва малакасини ошириш ассоциациянинг муҳим мақсадидир. Бундай долзарб конференциялар Ўзбекистон врачлар ассоциацияси томонидан илк бор 2012 йилда Тошкент шаҳрида, 2013 йили Қарши шаҳрида, жорий йилда эса Урганч шаҳрида ўтказилди. Бўлиб ўтаётган бу каби анжуманларда бебаҳо неъмат бўлган саломатлигимизга эътибор қаратилганлиги алоҳида аҳамиятга эгадир.

**Анжуман якунида кўриб чиқилган масалалар бўйича саволлар ўртага ташланиб, мутахассислардан жавоб олинди ҳамда ассоциация томонидан тегишли қарорлар қабул қилинди.**

**Ибодат СОАТОВА.**  
Муаллиф олган суратлар.

## Конференция

КУН ТАРТИБИДА: ИЧКИ КАСАЛЛИКЛАРНИ  
ДИАГНОСТИКА ҚИЛИШ ВА ДАВОЛАШ

**Терапия тиббиётдаги алоҳида йўналиш ҳисобланиб, ички касалликларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганади, ташхис қўяди ва олдини олиш чора-тадбирларини белгилайди. Киши қайсидир ҳолатда ўзини беҳузур сезса, нимадир безовта қилса, даставвал терапевтга учрашиш тавсия қилинади. Унинг маслаҳати ва йўл-йўриги билангина бемор мутахассис-шифокор ҳузурига кириб боради.**

Дарҳақиқат, ички касалликларнинг йирик қисмини ўз ичига оладиган терапия соҳасини ривожлантириш, беморнинг

ган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази директори Анис Аляви **"Ўзбекистонда ички касал-**



аҳволини энгиллаштириш, даволашнинг энг мақбул ва безарар вариантларини қўллаш соғлиқни сақлаш тизимида долзарб масалага айланган. "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида куни кеча бошланиб, бугун ўз ишини давом эттираётган **"Ички касалликларда замонавий даволаш-диагностика технологиялари ва стандартлари"** мавзусига ба-

**ликлар тиббиёти ривожланишининг тарихий аспекти** мавзусида сўзга чиқар экан, куйдагиларни қайд этди:

– Тиббиётнинг қайси йўналиши бўлишидан қатъи назар, эрта ташхислашни мукамаллаштириш, бемор организмига зарар етказмайдиган самарали даволаш усулларидан фойдаланиш, даволашда функционал – қайта тиклаш ва реабилитацияда янги тех-



гишланган республика илмий-амалий конференцияси иштирокчиларининг диққат-этибори ана шу муаммога қаратилиши бежиз эмас. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон терапевтлар ассоциацияси, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуман ишида бир қанча хорижий давлатлардан терапия соҳаси билан шуғулланадиган энг етуқ мутахассислар иштирок этишди.

Конференция ялпи йиғилишини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг биринчи ўринбосари Асилбек Худаяров очиб, мамлакатимизда ички касалликларни аниқлаш, даволаш ва олдини олиш бўйича олиб борилаётган ишлар муайян тизимга солинганини таъкидлаб ўтди. Анжуман ялпи йиғилишида иштирок этган меҳмонлар терапия йўналишини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қиладиган масалалар бўйича фикрлашдилар. Жумладан, Республика ихтисослаштирил-

нологияларни татбиқ этиш масалаларига жиддий этибор қаратилиши керак. Статистик маълумотлар ички аъзолар бўйича касалликлар кескин кўпаяётганини кўрсатмоқда. Ўтказилган сўровномаларда 25 фоиз кишининг нафас йўллари бўйича умумий амалиёт шифокорига мурожаат қилгани аниқланган. Қайд этилаётган натижалар аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўйича янада кенг қўламли иш олиб бориш зарурлигини кўрсатмоқда. Зеро, фақат соғлом турмуш тарзи орқалигина инсон саломатлигини сақлашда ижобий натижага эришиш мумкин. Марказимиз мутахассислари Ўзбекистон терапевтлар ассоциацияси аъзолари билан биргаликда "Соғломлаштириш ҳафталиги" тадбирларида фаол иштирок этиб келмоқда. 50 мингдан ортиқ бемор шифокор кўригидан ўтказилиб, уларга ўз касалликлари бўйича зарурий маслаҳат ва тавсия берилди. Мутахассисларимиз 400 дан ортиқ семинар ва мастер-классда ўз билим, тажрибаларини оширишга эришдилар. Йиллик режа асосида бир неча марабала илмий-амалий конферен-

ция ҳамда кенгашлар ўтказилди. Ассоциациянинг Самарқанд, Бухоро ва Андижонда минтақавий бўлимлари ташкил этилиб, унга аъзо бўлган шифокорлар ўз ҳудудларида ички касалликларни бартараф этиш бўйича кенг жамоатчилик билан биргаликда иш олиб бормоқдалар. Марказимизда прогнозлаш, ташхислаш ва даволашнинг янги технологияларини қўллашга катта этибор берилляпти. Мавжуд йўналишлар – пульмонология, кардиология, гастроэнтерология, ревматология бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқотларни ҳаётий жиҳатдан ўрганишимиз керак. Айна пайтда юрак етишмовчилиги нейрогуморал механизмлари ва уни илк босқичларда даволаш усуллари ўрганилмоқда. Юракнинг ишемик касалликларида атеросклеротик ва нейрогуморал фаолланишга боғлиқ бўлган ташхислаш ва даволаш усуллари ишлаб чиқилди. Шунингдек, гастроэзофагал рефлюкс касаллиги ва жигарнинг алкоғолли ёғланишини ташхислаш бўйича тажриба тўпланди. Юрак етишмовчилигининг алдостерон, норадреналин, натрийуретик пептид миқдорларини иммунофермент анализатор ёрдамида аниқлаш усуллари, ультратовуш денситометр ёрдамида остеопорозни эрта ташхислаш усули йўлга қўйилди. Бронхиал астма, сурункали обструктив ўпка касалликлари, сурункали интерстициал ўпка касалликлари, поливалент аллергияларда аутосеротерапия турли иммуномодуляторлар ва экстракорпорал иммуномодификациялаш усулларини қўллаш ўз самарасини бермоқда. Марказимизда янги, замонавий физик усуллар билан даволаш (лазер BTL-6000, ультратовуш-BTL-6000, электр даволаш, куруқ тортиш BTL-6000, небулайзер терапия) йўлга қўйилган.

"Терапевтик касалликларнинг долзарб муаммолари" мавзуси бўйича навбатдаги илмий-амалий конференцияни марказимизда ташкил этиш режалаштирилган. Терапевтик касалликлар бўйича олиб борилаётган фундаментал изланишлар, ички аъзолар касалликлари диагностикасида янги технологиялардан фойдаланиш, терапияда фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш, умумий амалиёт шифокорлари билан ва малакасини ошириш каби масалалар конференция кун тартибига қўйилади. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлардан ҳамкасбларимизни таклиф этмоқчимиз. Яқин йилларда терапия мутахассислиги бўйича халқаро ҳамкорликни ёш мутахассислар эвазига кенгайтириш, ташхислаш ва даволаш стандартларига муносиб таклифларни киритиб, Тошкент шаҳрида Европа Респиратор Жамияти Конгресси "ЕАРО – 2015" ўтказиш кўзда тутилган.

Илмий-амалий анжуманнинг ялпи йиғилиши кун тартибига қўйилган масалалар ҳеч бир иштирокчини бефарқ қолдиргани йўқ. Ўз маърузаси билан минбарга кўтарилган мутахассисларнинг иштирокчилар ҳукмига ҳавола қилган мавзуси мультимедиа проектори орқали электрон шаклда намойиш қилиб турилди. Ҳар бир маърузачининг чиқишида муайян ички касалликнинг келиб чиқиши, уни прогнозлаш, учраш даражаси, клиник белгилари, даволаш усуллари, энг муҳими, бунга йўл қўймаслик чора-тадбирлари акс эттирилгани учун терапевтлар

кўплаб маълумотларга эга бўлишди. Бу эса уларга беморни даволашда қўл келади. Хусусан, россиялик етуқ мутахассис В. Цуркониинг "Бўғим синдроми патобиологияси. Замонавий амалиётда НЯҚП ва хондропротекторлар" мавзусидаги маърузаси барча иштирокчиларнинг диққат-этиборини тортди. Нотиқ ўз сўзида дунёнинг барча давлатларида бўғим касалликлари аҳолининг маълум қат-

тахассислар ҳар бир хасталикни келтириб чиқарувчи омилларни ўрганади. Сабабсиз ҳеч қандай оқибат рўй бермайди, деганларидек, касалликка ча-линмаслик кўп ҳолларда инсоннинг ўзига боғлиқ. Бугунги анжуманнинг ўтказилишидан кўзланган асосий мақсад тиббиёт соҳасига кириб келаётган ёш мутахассисларни ўз иш жараёнида ички касалликларни даволашга тўғри йўналтириш,



лами орасида кенг учраётганини қайд қила туриб, унинг келиб чиқишида экологик муаммолар, наслий белгилар ва соғлом турмуш тарзи қоидаларидан чекинмиш муҳим роль ўйнаётганини чуқур таҳлил қилди. Аҳоли ўртасида ревматоид артрит, полиартрит, остеохондроз, умуртқа поғонаси диск чурраси каби касалликларнинг кенг учраётганлиги айнан бўғимлар

уларни даволашнинг янгидан-янги усул ва замонавий технологиялари билан таништириш, хорижий мамлакатлардан келган меҳмонлар маърузаси орқали уларнинг тажрибасидан бохабар бўлишига шарт-шароит яратишдан иборат. Тўғри, Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимиз аҳолиси саломатлигини асраб-авайлаш билан боғлиқ кенг миқёсдаги ислохот-



функциясининг издан чиқиши билан узвий боғланиб кетади. Агар бўғим касалликларига олиб келувчи ушбу сабаблар бартараф этилса, ҳеч қандай муаммога ўрин қолмас эди. Нотиқ ўз сўзида бўғим синдроми патологиясини шарҳлар экан, уни даволашнинг янги усуллари бўйича тўпланган тажрибалари билан ўртоқлашди.

Ялпи йиғилишда иштирок этган мутахассисларнинг шубҳасиз, ўз таассуротлари бор. Уларнинг қайси бири билан суҳбатлашмайлик, конференция ишига муносабатини билдирарди. Ўз меҳнат фаолияти давомида бой тажриба тўплаган, ички касалликлар патологияси бўйича илмий-назарий асослар яратган мутахассислардан бири, **Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг терапия факультети декани, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош физиотерапевти Феруза Ҳамробоева билан суҳбатлашганимизда, куйдагиларни хикоя қилди:**

– Ички аъзолар – ошқозон-ичак, жигар, буйрак, юрак, ўпка касалликлари аҳоли ўртасида учраб туради. Табиийки, биз му-

лар амалга оширилмоқда. Ички касалликларни даволаш бўйича ҳар қайси даволаш муассасасида тажриба тўпланган, кадрлар малакаси оширилмоқда, соҳага энг сўнгги русумдаги замонавий технологиялар кириб келмоқда. Биз бу имкониятлардан фақат ўз билим, тажриба ва ақл-заковатимизни ишга солибгина унумли фойдаланишимиз мумкин. Илмий-амалий конференциянинг ялпи ва шўба йиғилишларида ўз мутахассислиги доира-сида иштирок этган ҳамкасбларимиз бой таассурот билан кетишади ва ўрганганларини амалиётга татбиқ қилишади, дея умид қиламиз.

**Куннинг иккинчи ярмида илмий-амалий анжуман иштирокчилари кардиология, гастроэнтерология, пульмонология, ревматология ва нефрология шўбаларига бўлинган ҳолда бир-бирдан қизиқарли маърузаларга жалб қилин-дилар. Конференция бугун ўз ишини якунлайди.**

**Хулқар КУЗМЕТОВА,  
Суратлар муаллифи  
Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**



## Форум

БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

**Пойтахтимизда “Бола учун ижтимоий шериклик: миллий ва хорижий тажриба” мавзuida халқаро форум бўлиб ўтди.**

Анжуман Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Sen yolg'iz emassan» республика жамоатчилиги болалар жамғармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Маданият ва спорт ишлари, Молия вазирликлари, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда БМТ Болалар жамғармаси – ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, халқаро ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, хорижлик мутахассислар, эксперт ва олимлар, педагоглар ҳамда шифокорлар иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири У. Иноятлов, Соғлиқни сақлаш вазири А. Алимов, «Sen yolg'iz emassan» республика жамоатчилиги болалар жамғармаси директори Р. Мустаев, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Р. Фудерич, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари К. Пиккат ва бошқалар Президент Ислоом Каримов раҳнамолигида соғлом авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланаётганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда “Соғлом она – соғлом бола” тамойили асосида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг самарасида мустақил-

лик йилларида юртимизда оналар ўлими 3,1 баробар, гўдаклар ўлими 3,2 баробар камайди. “Она ва бола скрининги” дастури амалга оширилиши натижасида туғма нуқсонли болалар туғилиши 2000 йилдан буён 1,8 марта камайди. Бугунги кунда мамлакатимиз болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. “Save the Children” халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган ўнта мамлакат қаторидан жой олди.

Жорий йилнинг мамлакатимизда Соғлом бола йили деб эълон қилиниши ҳар томонлама етук баркамол авлодни тарбиялашга йўналтирилган давлат сиёсатининг мантикий давоми бўлди. Ўзбекистонда бола ҳуқуқларига оид бешта халқаро конвенция ратификация қилинган, ўндан ортиқ қонун қабул қилинган. БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясида назарда тутилган мақсад ва вазифалар ҳаётга изчил жорий этилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун асосида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари таъминланмоқда.

2014 йил 25 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуни баркамол авлодни вояга етказиш, она ва бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳамкорликни янада кучайтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Халқаро форумда ёш авлод камолоти йўлидаги ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш, соҳа муассасалари фаолиятини ва ўзаро ҳамкорликни такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Оилада маънавий қад-

риятларни кенг қарор топтириш, эҳтиёжманд оилалар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга манзилли кўмак бериш, уларнинг жамиятга интеграциялашувини таъминлаш, кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш борасидаги миллий ва хорижий тажриба юзасидан фикр алмашилди. Форум иштирокчилари Ўзбекистонда бола камолоти йўлидаги бу каби долзарб вазифаларнинг муваффақиятли ижроси оилалар, мактаблар, соғлиқни сақлаш тизими, давлат ва жамоат ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ўзаро ҳамкорлигида таъминланаётганини юксак баҳолади. Мамлакатимизда оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилишга оид миллий модель халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилаётгани таъкидланди. Юртимизда ҳомиладор аёлларни скрининг текширув билан тўлиқ қамраб олиш, болаларни хавфли юқумли хасталикларга қарши эмлаш, ёшларнинг тиббий маданиятини юксалтиришга оид чора-тадбирлар болаликдан ногиронлик, туғма ва ирсий хасталикларнинг олдини олиш имконини бермоқда. “Оила – маҳалла – таълим муассасаси” ҳамкорлиги жамиятимизда юксак маънавий муҳитни қарор топтириш, миллий менталитетимизга ёт зарарли таъсирларга қарши туришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида барча маҳаллаларда “Ота-оналар университети” ташкил этилган. Фарзанд тарбиясининг ҳуқуқий, психологик, ижтимоий жиҳатларини ота-оналарга атрофлича тушунтириш, зарур маслаҳат кўмагини кўрсатишда ушбу жамоат тузилмалари муҳим ўрин тутаётди. Мамлакатимизда ота-она меҳридан маҳрум ва имконияти чекланган болалар ҳар то-

монлама қўллаб-қувватланаётди. Меҳрибонлик уйлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларда тарбияланаётган болаларнинг тўлақонли таълим-тарбия олиши ва касб-хунар эгаллашига алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Sen yolg'iz emassan” республика жамоатчилиги болалар жамғармаси ва Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда эҳтиёжманд оилалар фарзандлари, мураккаб тақдирли болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, жамиятга интеграциялашувига ёрдамлашиш борасида изчил ишларни амалга оширмоқда. Кам таъминланган оилалар фарзандлари, алоҳида эҳтиёжманд болалар юртимиз ва хорижий клиникаларда даволанаётди. Туғма хаста болалар учун коррекцион-даволаш курслари, тиббий кўриklar ўтказилиб, ота-оналарга ижтимоий, ҳуқуқий, маънавий кўмак берилмоқда.

Бундай тизимли ишлар халқаро миқёсда ҳам ўрнатилишга аризулик тажриба сифатида эътироф этилмоқда.

– **Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар, бу борада тобора фаоллашиб бораётган ижтимоий шериклик ҳақида маълумотга эга бўлдик, – деди ЮНИСЕФнинг болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича эксперти Смаранда Попа (Руминия).** – Боланинг баркамол ривожланиши учун энг муҳим маскан – бу оила. Ўзбекистонда оилаларни мустаҳкамлаш, турмуш маданиятини юксалтиришга катта эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор. Бундан кўндалмак мамлакатлар ўрнатилган оила сарийди. Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуни билан танишиб, жуда тўлқинландим. Унда ижтимоий шериклик қилиш мумкин бўлган барча соҳалар қамраб олингани ғоят эътиборлидир.

Анжуманда хорижлик мутахассислар Ўзбекистонда баркамол авлодни тарбиялаш, болалар манфаатларини таъминлаш, айниқса, ота-она меҳридан бебахра қолган болаларга ғамхўрлик қилиш, уларни фарзандликка олиш, эҳтиёжманд оилаларга ҳар тарафлама кўмак беришга оид эзгу саъй-ҳаракатлар кучли ижтимоий йўналтирилганини, турли ташкилотлар ҳамкорлигида ижтимоий шериклик асосида аниқ ва манзилли тарзда амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

– **Ўзбекистонда инклюзив таълим ривожлангани эътиборга молик, – деди халқаро эксперт Мэтью Гриффитс (Буюк Британия).** – Ушбу таълим тизимини изчил такомиллаштиришга Президент Ислоом Каримов раҳнамолигида катта эътибор берилаётгани, Тошкент Давлат педагогика университетида мазкур йўналишда кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш йўлга қўйилгани мамлакатингизнинг келгусида мазкур соҳада янада катта ютуқларга эришишига хизмат қилади.

Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантиришда ижтимоий шерикликнинг аҳамияти, болаларни самарали ҳимоя қилиш учун курадорлик тизими (гейткипинг), болалар саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида эришилган ютуқлар ва истиқболлар, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ижтимоий шерикликнинг асосий йўналишлари, инклюзив таълимни татбиқ этишда ижтимоий шериклик ва халқаро тажриба, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликни бартараф этиш борасида қилинаётган ишлар бўйича маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Халқаро форумнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икромов сўзга чиқди.

**Ирода УМАРОВА,**  
ЎЗА.

## Ижтимоий ҳимоя

## Қашқадарё вилояти

## ҲУҚУҚИЙ МАНФААТЛАР ЙЎЛИДА

**Жисмоний имконияти чекланган шахсларни даволаш услубларини такомиллаштириш, диспансер назоратини талаб даражасига кўйиш, умуман, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда соҳа мутахассислари томонидан изчил иш олиб борилмоқда.** Жумладан, Китоб туманлараро тиббий меҳнат экспертиза комиссияси жамоаси ҳам ногиронликни камайтириш йўналишида муайян тартиб ўрнатишга муваффақ бўлмоқдалар. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ҳудудимизда истиқомат қилиб, туман бюджетидан ташқари пенсия жамғармаси бўлимидан пенсия ва нафақа олиб келаётган ногиронларни қайта кўриқдан ўтказиш жараёнида 47 нафар кишининг

саломатлиги яхшиланганлиги ва меҳнатга лаёқати тикланганлигини инobatга олган ҳолда ногиронлик гуруҳлари бекор қилинди. 17 нафарининг ногиронлик гуруҳи енгиллаштирилди. Ўтган вақт оралиғида 16 нафар ногирон реабилитация марказида даволанишди.

**Икром ОЛИМЖОНОВ,**  
**Китоб туманлараро**  
**36-сонли ТМЭК раиси.**

\*\*\*

**Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш мамлакатимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.**

Айни кунда Қашқадарё вилояти аҳолисига хизмат кўрсатишда. Белгиланган жадвал асосида бемор ва ногиронларни тиб-

бий кўриқдан ўтказиб, улар саломатлигини доимий назорат қилиб келяпмиз. Ногиронликнинг олдини олиш, уни тўғри белгилаш реабилитация қилиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг ўтган ойларида 37 нафар ногирон тўлиқ, 27 нафари эса қисман реабилитация қилинди. Маълумки, ногиронлик тиббий меҳнат экспертиза комиссияси шифокорлари томонидан мавжуд меъёрий низомларга мувофиқ белгиланади. Шунга кўра, юртошларимизга ногиронлик билан касаллик ўртасидаги фарқни тушунтиришга ҳаракат қилинади.

**Ўқтам НАМОЗОВ,**  
**Қашқадарё вилояти**  
**39-сонли ТМЭК раиси.**

**Ижтимоий ҳимоя давлати-ми сиёсатининг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Шу боис, туманда ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар соғлигини тиклаш, уларни ўз меҳнат жамоасига, соғлом одамлар сафига қайтариш борасида хайрли ишлар қилинмоқда.**

Бу ўринда тиббий меҳнат экспертиза комиссиясининг асосий эътибори ногиронликнинг олдини олиш, реабилитация масалаларига қаратилмоқда. Чунончи, комиссия шифокорлари томонидан касалликни даволаш натижасида реабилитация даражаси юқори бўлганларга малакали ижтимоий ёрдам кўрсатиляпти.

Ногиронларнинг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор туфайли реабилитация техник воситаларига ва протез-ортопедик маҳ-

сулотларига тавсиялар берилиб, имкон қадар таъминлаб келиняпти. Бирламчи ногиронликнинг олдини олиш юзасидан фуқаролар ўртасида тушунтириш ишларининг мунтазам олиб борилаётганлиги натижасида бирламчи ва қайта ногиронликни камайтиришга эришилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган ойларида бирламчи ногиронлик 11 нафарга, қайта ногиронлик эса 67 нафарга камайган.

Жорий йилда ҳам жамоамиз ногиронликнинг олдини олиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашдек хайрли ишларни давом эттирган ҳолда, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга ўз ҳиссаларини қўшилади.

**Асқар МЕГЛИЕВ,**  
**Қарши туманлараро**  
**35-сонли ТМЭК раиси.**

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Лицензиялаш ва нодавлат тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бошқармаси маълум қилади**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2014 йил 24 ноябрдаги 429-сонли буйруғига илова

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тиббий фаолият билан шуғулланаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг лицензия талаб ва шартларига риоя этишларини назорат қилиш бўйича 2015 йилнинг 1-2-чорақларида ўтказиладиган текширишлар режа-жадвали

№	Вилоят	Туман ёки шаҳар	Фирманинг номи	СТНП	Текшириш боёлини белгилаган сана	Текшириш тугатилган санаси
<b>1. АНДЖОН ВИЛОЯТИ</b>						
1	Анджон вилояти	Анджон шаҳри	"XRONO MEDSERVIS" МФК	302904055	02.01.2015 й	30.01.2015 й
2	Анджон вилояти	Шаҳрико тумани	"DARRON DROM SHIFO" хусусий корхонаси	301343849	02.01.2015 й	30.01.2015 й
3	Анджон вилояти	Анджон шаҳри	"PAMULTILO" хусусий фирмаси	302259369	01.02.2015 й	28.02.2015 й
4	Анджон вилояти	Анджон шаҳри	"YITA-SAMA MED" хусусий корхонаси	301439607	01.02.2015 й	28.02.2015 й
5	Анджон вилояти	Булоқбой тумани	"MAMIRUJON BOTIRON" хусусий корхонаси	301399259	01.03.2015 й	30.03.2015 й
6	Анджон вилояти	Асака тумани	"ASAKA SHIFO LYUKS" МФК	301719147	01.03.2015 й	30.03.2015 й
7	Анджон вилояти	Асака тумани	"ASAKA SHIFO MAMAD" хусусий корхонаси	301338717	01.04.2015 й	30.04.2015 й
8	Анджон вилояти	Анджон тумани	"HEM SHIFO MASKUM" МФК	300991835	01.04.2015 й	30.04.2015 й
9	Анджон вилояти	Анджон шаҳри	"DARM AND" МФК	304487121	01.05.2015 й	30.05.2015 й
10	Анджон вилояти	Пахтабод тумани	"MUBARRATUJON-ZULFIKARON" МФК	302075007	01.05.2015 й	30.05.2015 й
11	Анджон вилояти	Анджон шаҳри	"BIMUNIT MED SERVIS" МФК	302094339	01.06.2015 й	30.06.2015 й
12	Анджон вилояти	Пахтабод тумани	"MADANIYAT-SOVIKON" МФК	301428530	01.06.2015 й	30.06.2015 й
<b>2. БУХОРО ВИЛОЯТИ</b>						
1	Бухоро вилояти	Бухоро шаҳри	"LOP PLUS NAZIRA" МФК	301983807	02.01.2015 й	30.01.2015 й
2	Бухоро вилояти	Бухоро шаҳри	"ANGAR MED ICHONCH" МФК	301581384	02.01.2015 й	30.01.2015 й
3	Бухоро вилояти	Бухоро шаҳри	"ABDURAHMON STOM LYUKS" хусусий корхонаси	301726583	01.02.2015 й	28.02.2015 й
4	Бухоро вилояти	Бухоро шаҳри	"PARIZODA-SHAKLO" МФК	301309640	01.02.2015 й	28.02.2015 й
5	Бухоро вилояти	Пешку тумани	"PESHKO" SADAF TISH SERVIS" хусусий корхонаси	302958807	01.03.2015 й	30.03.2015 й
6	Бухоро вилояти	Пешку тумани	"GOLDEN CENTAMED" МФК	302094784	01.03.2015 й	30.03.2015 й
7	Бухоро вилояти	Бухоро шаҳри	"APPLE STOM" МФК	301940214	01.04.2015 й	30.04.2015 й
8	Бухоро вилояти	Бухоро шаҳри	"RUDY TEPKIM" хусусий шirkasi	304916553	01.04.2015 й	30.04.2015 й
9	Бухоро вилояти	Бухоро шаҳри	"OSUDA MED SHIFO" МФК	301927444	01.05.2015 й	30.05.2015 й
10	Бухоро вилояти	Копен шаҳри	"KOSHON DENTAL LYUKS" хусусий корхонаси	301447329	01.05.2015 й	30.05.2015 й
11	Бухоро вилояти	Роҳат тумани	"Деклан Мусона" хусусий корхонаси	300301193	01.06.2015 й	30.06.2015 й
12	Бухоро вилояти	Бухоро шаҳри	"MED SHIFO INTER PLUS" МФК	300901459	01.06.2015 й	30.06.2015 й
<b>3. ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ</b>						
1	Жиззах вилояти	Жиззах шаҳри	"Даво-Ш" хусусий диагностика дивизионаси	200347522	02.01.2015 й	30.01.2015 й
2	Жиззах вилояти	Жиззах шаҳри	"IPOMET" хусусий фирмаси	203859164	01.02.2015 й	28.02.2015 й
3	Жиззах вилояти	Жиззах шаҳри	"JAHON SARIMDIZ" хусусий корхонаси	207116867	01.03.2015 й	30.03.2015 й
4	Жиззах вилояти	Мирзачўл тумани	"GAGARIN-MINERAL SULARI" МФК	207110485	01.04.2015 й	30.04.2015 й
5	Жиззах вилояти	Пахтабод тумани	"Миржа-Гула" тиббий хусусий фирмаси	205909046	01.05.2015 й	30.05.2015 й
6	Жиззах вилояти	Жиззах шаҳри	"DILORA-DILORA SHIFO" хусусий корхонаси	301928647	01.06.2015 й	30.06.2015 й
<b>4. НАВОЙ ВИЛОЯТИ</b>						
1	Навоий вилояти	Куня тумани	"TAVAROI" хусусий фирмаси	201143351	02.01.2015 й	30.01.2015 й
2	Навоий вилояти	Хатирчи тумани	"CHORIQUL SHAYMATORI GIKOMARI" хусусий тиббиёт корхонаси	205782744	01.02.2015 й	28.02.2015 й
3	Навоий вилояти	Навоий шаҳри	"Diyor ko'z SHIFO" хусусий корхонаси	301279481	01.03.2015 й	30.03.2015 й
4	Навоий вилояти	Навоий шаҳри	"SHUKRULLO SHIFOLOR" хусусий корхонаси	301352907	01.04.2015 й	30.04.2015 й
5	Навоий вилояти	Навоий шаҳри	"НАВОЙ ОФИТАЛМО СЕРВИС" хусусий корхонаси	301295344	01.05.2015 й	30.05.2015 й
6	Навоий вилояти	Куня тумани	"ШМФ" тижорат шirkasi	202256489	01.06.2015 й	30.06.2015 й

<b>5. НАМАНГАН ВИЛОЯТИ</b>						
1	Наманган вилояти	Наманган шаҳри	"ZULFYABEGIM MED SERVIS" хусусий корхонаси	207019185	02.01.2015 й	30.01.2015 й
2	Наманган вилояти	Наманган шаҳри	"DIAGNOZ ULTRA MED SERVIS" хусусий корхонаси	207021074	01.02.2015 й	28.02.2015 й
3	Наманган вилояти	Ғабдулон тумани	"MURDULLOHUJI SHIFO MEDSERVIS" хусусий корхонаси	207000681	01.03.2015 й	30.03.2015 й
4	Наманган вилояти	Наманган шаҳри	"ETIBOR SHIFO" хусусий корхонаси	205907199	01.04.2015 й	30.04.2015 й
5	Наманган вилояти	Чирчиқ тумани	"SAXONAT SHIFO MED" МФК	300159083	01.04.2015 й	30.04.2015 й
6	Наманган вилояти	Чирчиқ тумани	"SAID MUNTOR NUR" МФК	200407585	01.05.2015 й	30.05.2015 й
7	Наманган вилояти	Наманган шаҳри	"HOSIYATU URUJZA SHIFO MASKUM" хусусий корхонаси	206766641	01.05.2015 й	30.05.2015 й
8	Наманган вилояти	Поп тумани	"UMIDA MURDOL A F U" хусусий корхонаси	204595193	01.06.2015 й	30.06.2015 й
9	Наманган вилояти	Чуст тумани	"HAKIMU MEDICAL SERVIS" МФК	206933819	01.06.2015 й	30.06.2015 й
<b>6. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ</b>						
1	Самарқанд вилояти	Самарқанд шаҳри	"LYUMILA MEDICAL SERVIS" МФК	300990479	02.01.2015 й	30.01.2015 й
2	Самарқанд вилояти	Самарқанд шаҳри	"SAMARQAND NIZ SHIFO NUR" МФК	302285148	02.01.2015 й	30.01.2015 й
3	Самарқанд вилояти	Самарқанд шаҳри	"NEVRO PLUS" хусусий корхонаси	301521822	01.02.2015 й	28.02.2015 й
4	Самарқанд вилояти	Самарқанд шаҳри	"BERLIN KARDIO DOCTOR" МФК	301750801	01.02.2015 й	28.02.2015 й
5	Самарқанд вилояти	Самарқанд шаҳри	"SAM EKSTREMED SERVIS" МФК	300219880	01.03.2015 й	30.03.2015 й
6	Самарқанд вилояти	Сидраё тумани	"ODIYAT TAVSOBATI" МФК	302154889	01.03.2015 й	30.03.2015 й
7	Самарқанд вилояти	Самарқанд шаҳри	"NUR" шirkasi "BID NUR MED SERVIS" shirkasi "O'zbekiston-borani qo'liga kiritildi" "DOCTOR MUNAVVATZATOV" МФК	207107020	01.04.2015 й	30.04.2015 й
8	Самарқанд вилояти	Самарқанд шаҳри	"NURDULO SHIFO NUR" хусусий корхонаси	300407054	01.05.2015 й	30.05.2015 й
9	Самарқанд вилояти	Нуробод тумани	"NURFAR NOKSIZOM SHIFO MASKUM" хусусий корхонаси	300419848	01.05.2015 й	30.05.2015 й
10	Самарқанд вилояти	Иштиён тумани	"MPTAN BIDNUR" хусусий корхонаси	300207794	01.06.2015 й	30.06.2015 й
11	Самарқанд вилояти	Иштиён тумани	"TOLBOY NAMANON" хусусий корхонаси	301390726	01.06.2015 й	30.06.2015 й
<b>7. СИДРАЁ ВИЛОЯТИ</b>						
1	Сидраё вилояти	Гулистон шаҳри	"Сайон Мед-Сервис" МФК	300614851	02.01.2015 й	30.01.2015 й
2	Сидраё вилояти	Гулистон шаҳри	"Маллоба" МФК	200317951	01.02.2015 й	28.02.2015 й
3	Сидраё вилояти	Гулистон шаҳри	"MEDIC PERSONAL" хусусий корхонаси	302296536	01.03.2015 й	30.03.2015 й
4	Сидраё вилояти	Сидраё тумани	"Жамид" хусусий фирмаси	200301643	01.04.2015 й	30.04.2015 й
5	Сидраё вилояти	Гулистон шаҳри	"Мадад ДМ" хусусий корхонаси	200586484	01.05.2015 й	30.05.2015 й
6	Сидраё вилояти	Гулистон шаҳри	"Раҳим дивизионаси" МФК	200737024	01.06.2015 й	30.06.2015 й
<b>8. СУРХОНДАРё ВИЛОЯТИ</b>						
1	Сурхондарё вилояти	Шўрчи тумани	"Хусусий ортопедик стоматология шirkasi" хусусий корхонаси	201955112	02.01.2015 й	30.01.2015 й
2	Сурхондарё вилояти	Жарғўрон тумани	"Доктор Саидор" хусусий корхонаси	301984829	01.02.2015 й	28.02.2015 й
3	Сурхондарё вилояти	Қизилқум тумани	"Саид" хусусий корхонаси	200395223	01.03.2015 й	30.03.2015 й
4	Сурхондарё вилояти	Ўзун тумани	"Дента Нур кўркам табиози" хусусий корхонаси	300531724	01.04.2015 й	30.04.2015 й
5	Сурхондарё вилояти	Терма шаҳри	"Доктор Саидор" хусусий корхонаси	205770442	01.05.2015 й	30.05.2015 й
6	Сурхондарё вилояти	Денов тумани	"Шаҳбос мед сервис" хусусий корхонаси	205333676	01.06.2015 й	30.06.2015 й
<b>9. ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ</b>						
1	Тошкент вилояти	Чарчиқ шаҳри	"DILCHONBA" хусусий фирмаси	202907144	02.01.2015 й	30.01.2015 й
2	Тошкент вилояти	Янгиқу тумани	"MODIRBEK-JAVOIR STOM" МФК	300985488	02.01.2015 й	30.01.2015 й
3	Тошкент вилояти	Флорида шаҳри	"BADOHARON DENTA SERVIS" хусусий корхонаси	207100881	01.02.2015 й	28.02.2015 й
4	Тошкент вилояти	Янгиқу тумани	"COIL UMIDA STOMA" МФК	300207581	01.02.2015 й	28.02.2015 й
5	Тошкент вилояти	Зангиота тумани	"ALGORITH-NUR" МФК	207966120	01.03.2015 й	30.03.2015 й
6	Тошкент вилояти	Зангиота тумани	"MAMZURA MEDIA" МФК	302108427	01.03.2015 й	30.03.2015 й

(Давоми 11-бетда).

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Лицензиялаш ва  
нодавлат тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар  
сифатини назорат қилиш бошқармаси маълум қилади**

T	Тошкент вилояти	Вилоят тумани	"DOKTOR SHAMS-NUR" хусусий корхонаси	208962784	01.04.2015 й	30.04.2015 й
8	Тошкент вилояти	Зангиота тумани	"KORONA-DENTIS" хусусий корхонаси	208960857	01.04.2015 й	30.04.2015 й
9	Тошкент вилояти	Зангиота тумани	Ўзбекистон темир yo'li'дан (DANK Terezi yo'li) bilan va transport vositalari bilan ta'minlangan ma'muriy o'rinlida "MAZARBEK" shifokorlik-gigiyena markazi "SHOKHAT-SHIBKOZ PLUS" хусусий корхонаси	202955782	01.05.2015 й	30.05.2015 й
10	Тошкент вилояти	Вилоят тумани	"ASIL-DENTA" хусусий корхонаси	201947788	01.05.2015 й	30.05.2015 й
11	Тошкент вилояти	Ангрен шаҳри	"ASIL-DENTA" хусусий корхонаси	208465734	01.05.2015 й	30.05.2015 й
12	Тошкент вилояти	Бекobod тумани	"BEKOBOD SHIFOKORLIK" хусусий корхонаси	202332875	01.06.2015 й	30.06.2015 й

**10. ТОШКЕНТ ШАҲРИ**

1	Тошкент шаҳри	Шаҳарноҳор тумани	"EXCLUSIVE DENTA SERVICE PLUS" хусусий корхонаси	207126863	02.01.2015 й	30.01.2015 й
2	Тошкент шаҳри	Чиланзор тумани	"BLOSSOM PLUS" хусусий корхонаси	207979888	02.01.2015 й	30.01.2015 й
3	Тошкент шаҳри	Мирзо Улуғбек тумани	"LUX MASTER MED" МФК	207107189	01.02.2015 й	28.02.2015 й
4	Тошкент шаҳри	Мирзобод тумани	"LABDENT DENTIS" МФК	207942641	01.02.2015 й	28.02.2015 й
5	Тошкент шаҳри	Янқобод тумани	"DENTA HOME" хусусий корхонаси	201894129	01.03.2015 й	28.03.2015 й
6	Тошкент шаҳри	Мирзо Улуғбек тумани	"ISIR STOMATOLOGIYA DENTIS" МФК	207962514	01.03.2015 й	28.03.2015 й
7	Тошкент шаҳри	Уртача тумани	"DOKTOR DIMORA" МФК	201746791	01.03.2015 й	28.03.2015 й
8	Тошкент шаҳри	Чиланзор тумани	"DIAMOND ALMA" МФК	207101879	01.04.2015 й	30.04.2015 й
9	Тошкент шаҳри	Олмазор тумани	"CONSULTATIVE MEDICAL GROUP" МФК	207926931	01.04.2015 й	30.04.2015 й
10	Тошкент шаҳри	Янқобод тумани	"DOKTOR ELENA" хусусий корхонаси	201259699	01.04.2015 й	30.04.2015 й
11	Тошкент шаҳри	Сергели тумани	"MEVROMASTER" хусусий корхонаси	201296907	01.05.2015 й	30.05.2015 й
12	Тошкент шаҳри	Чиланзор тумани	"BELOZUBKA MED DENTIS" МФК	207936289	01.05.2015 й	30.05.2015 й
13	Тошкент шаҳри	Мирзо Улуғбек тумани	"DORA-SU DENTA" МФК	207940674	01.05.2015 й	30.05.2015 й
14	Тошкент шаҳри	Чиланзор тумани	"JAWOIR-STOM" МФК	207979673	01.06.2015 й	30.06.2015 й
15	Тошкент шаҳри	Мирзо Улуғбек тумани	"STOMI-STAR LUX" МФК	207971303	01.06.2015 й	30.06.2015 й
16	Тошкент шаҳри	Шаҳарноҳор тумани	"MUNUKWA-DENTA" МФК	207997074	01.06.2015 й	30.06.2015 й

**11. ҚАРҶОНА ВИЛОЯТИ**

1	Қарғона вилояти	Марғилон шаҳри	"Маъдан нур самд" хусусий корхонаси	201267354	02.01.2015 й	30.01.2015 й
2	Қарғона вилояти	Ўқчиллик тумани	"Одесскоп" хусусий тибб касалликларни шифонаси	201732994	02.01.2015 й	30.01.2015 й
3	Қарғона вилояти	Ривалон шаҳри	"Маъдан соғлиқ гарови" хусусий корхонаси	201426794	01.02.2015 й	28.02.2015 й
4	Қарғона вилояти	Бекobod тумани	"ФИБРО-ДИАГНОСТИКА" МФК	202797754	01.03.2015 й	30.03.2015 й
5	Қарғона вилояти	Олтириқ тумани	"КАЛЕ НУРМ ЭГАМБЕРДИЕВ МУАММАДИЖОН" хусусий фирмаси	201496448	01.03.2015 й	30.03.2015 й
6	Қарғона вилояти	Қўруқ шаҳри	"I.D.L. SMILE WHITE SMILE" МФК	201525286	01.04.2015 й	30.04.2015 й
7	Қарғона вилояти	Қува тумани	"МУНОҚАТ ШИНО" хусусий корхонаси	201259344	01.05.2015 й	30.05.2015 й
8	Қарғона вилояти	Ўқчиллик тумани	"Гавор" хусусий фирмаси	202990757	01.06.2015 й	30.06.2015 й

**12. ҚОРАЗМ ВИЛОЯТИ**

1	Қоразм вилояти	Урганч шаҳри	"БОБОННЁЗ-АЛИШЕР" хусусий корхонаси	205775031	01.01.2015 й	30.01.2015 й
2	Қоразм вилояти	Халқарош тумани	"ДИЛБОРА" хусусий тибб касалликларни шифонаси	201227114	01.02.2015 й	28.02.2015 й
3	Қоразм вилояти	Урганч шаҳри	"BIOE BIONOMED" хусусий корхонаси	201234854	01.03.2015 й	30.03.2015 й
4	Қоразм вилояти	Хонка тумани	"Марко Муаммад" хусусий корхонаси	208962654	01.04.2015 й	30.04.2015 й
5	Қоразм вилояти	Зива тумани	"ADOLAT DENTA SERVICE" хусусий корхонаси	201842154	01.04.2015 й	30.04.2015 й
6	Қоразм вилояти	Релизобод тумани	"ШАРНОБОР БАГАЕВ" хусусий шифонаси	204504756	01.05.2015 й	30.05.2015 й
7	Қоразм вилояти	Хонка тумани	"SAMANDIY MOSSUD DENT" хусусий корхонаси	202148145	01.05.2015 й	30.05.2015 й
8	Қоразм вилояти	Хонка тумани	"Содиқ Маъмур" хусусий корхонаси	201830190	01.05.2015 й	30.05.2015 й
9	Қоразм вилояти	Урганч шаҳри	"Пулмон дивизионали ҳаққонидин" МФК	209069427	01.06.2015 й	30.06.2015 й

(Давоми. Боши 10-бетда).

13. ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ						
1	Қашқадарё вилояти	Карши шаҳри	"ДИШЭМ ЭФФЕКТ" хусусий корхонаси	200172712	02.01.2015 й	30.01.2015 й
2	Қашқадарё вилояти	Карши шаҳри	"КАРАЛ СТОМ СЕРВИС" хусусий корхонаси	201301218	01.02.2015 й	28.02.2015 й
3	Қашқадарё вилояти	Яқобжон тумани	"QIZIL DARYO JILDSI" фирмаси	201810763	01.03.2015 й	30.03.2015 й
4	Қашқадарё вилояти	Муборак тумани	"Саҳар Арслон" хусусий корхонаси	200894152	01.04.2015 й	30.04.2015 й
5	Қашқадарё вилояти	Карши шаҳри	"Дармон" хусусий корхонаси	203775548	01.05.2015 й	30.05.2015 й
6	Қашқадарё вилояти	Китоб тумани	"Омехобор бобо алоқадар" фермер хўжалиги	204763879	01.06.2015 й	30.06.2015 й

**14. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

1	Қоракалпоғистон Республикаси	Амударё тумани	"ИЮТКОР" хусусий клиникаси	201144001	02.01.2015 й	30.01.2015 й
2	Қоракалпоғистон Республикаси	Нукус шаҳри	"ZULXANDIYAR NUKUS" МФК	202931893	01.02.2015 й	28.02.2015 й
3	Қоракалпоғистон Республикаси	Нукус шаҳри	"ДОКТОР АЙСАУТОВА К" КТХК	204833878	01.03.2015 й	30.03.2015 й
4	Қоракалпоғистон Республикаси	Хўжайли тумани	"XUJAYLI ARZAYIM DENTA SERVICE" хусусий корхонаси	202947287	01.04.2015 й	30.04.2015 й
5	Қоракалпоғистон Республикаси	Нукус шаҳри	"DANTIST NUKUS" МФК	202314674	01.05.2015 й	30.05.2015 й
6	Қоракалпоғистон Республикаси	Нукус шаҳри	"СТОМА-ДАСТАН" КТФФ	20682609	01.06.2015 й	30.06.2015 й

Обуна – 2015

**СЕВИМЛИ ГАЗЕТАНГИЗГА  
ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?**



**Хурматли муштарийлар!**  
«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш –  
Здравоохранение Узбекистана» газетасига  
2015 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда.  
Республикаимиз тиббиёт тизимида амалга  
оширилаётган ижобий ишлар ҳамда  
ҳамкасбларингиз тажрибаси билан танишишни,  
шунингдек, тиббиёт янгиликларидан хабардор  
бўлишни истасангиз, сеvimли газетангизга  
ҳозирок обуна бўлишни унутманг!  
Нашр индекси: 128.

**Хурматли муштарийлар!**  
Сизга маълумки, расмий веб-сайтимиз ([www.uzssgzt.uz](http://www.uzssgzt.uz))  
фаолият бошлагандан буён доимий равишда газетадаги ма-  
қолаларни интернет саҳифаларида эълон қилиб келмоқда-  
миз. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва  
Қарорлари, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бар-  
ча буйруқ ва меъёрий ҳужжатлар матнини «Расмий ҳужжат-  
лар» бўлиmidан топиш имкониятига эгасиз. Бундан ташқари,  
сизда таҳририят билан яқин ҳамкорлик қилиш истаги  
бўлса, [info@uzssgzt.uz](mailto:info@uzssgzt.uz), [uzss@yandex.ru](mailto:uzss@yandex.ru) манзилига хатлар  
йўллашингиз мумкин.

## Детский спорт

## У КАЖДОГО СВОЯ МЕЧТА



У каждого мальчишки есть своя мечта – кто-то хочет быть отличным музыкантом, танцором, а кто-то стать чемпионом в каком-нибудь виде спорта. Ташкентцы Мамуржон Ибрагимов, Турсунмурод Хушвактов, братья Азизбек и Хаётбек Гаффуровы, Огабек Абдуллаев из клуба “Камола спорт” при Республиканской федерации богатырские игры и гиревой спорт Узбекистана решили стать чемпионами. Несмотря на то, что они тренируются в клубе

всего шесть месяцев у известной семикратной чемпионки мира по гиревому спорту в весе 60 кг Мухтарам Алиевой, уже успели показать себя, так, например, на первенстве республики Мамур, Огабек, Турсунмурод завоевали золотые медали, а братья Хаётбек и Азизбек Гаффуровы – серебряные. Смотри на них, новичок клуба Муроджон Худойбердиев также мечтает быть похожим на своих товарищей по спорту – сильным и ловким, тем более, что сам наставник Мухтарам Али-

ва является представителем “Книги рекордов Гиннеса” за рекорд, установленный в 2013 году в Архангельске на Чемпионате мира и Европы под названием “300 спартанцев”.

Сейчас юные гиревики усиленно готовятся к Кубку Узбекистана по гиревому спорту, намеченному в декабре этого года в городе Бахт. Будем надеяться, что и в этот раз они подтвердят своё мастерство.

**А. ПОПОВ. Фото автора.**

2014 йил – Соғлом бола йили  
ТИББИЙ МУАССАСА  
— ЯНГИ ҚИЁФАДА

Бухоро вилояти Қорақўл тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

“Саломатлик-3” лойиҳаси бўйича рақамли рентген, рангли “Доплер” ультратовуш текшируви, УТТ лаборатория хоналари, она ва бола бўлими янги тиббий жиҳоз ва ускуналар билан таъминланган. Поликлиника ҳудуддаги 23 минг аҳолига маҳалла тиббий хизмат кўрсатиш имкониятига эга.

Бу эса ўз навбатида аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини юқори босқичга олиб чиқишда муҳим омил бўлади.



**СУРАТЛАРДА:** Қорақўл тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси фаолиятдан.

**Тоҳир ИСТАТОВ, ЎЗА.**

ГРИПП: АСОРАТИ  
БИЛАН ХАВФЛИ

**Грипп ўткир ва тез юқадиган касаллик бўлиб, уни жуда майда, кўзга кўринмайдиган вируслар келтириб чиқаради. Касаллик келтириб чиқардиган бу вирусларнинг А, В, С турлари маълум. Касалликнинг асосий манбаи грипп билан оғриган бемор ёки вирус ташувчилар ҳисобланади.**

Касалликнинг энгил тури билан оғриган беморлар ва вирус ташувчилар атрофдаги соғлом кишилар учун хавф туғдиради, чунки улар грипп билан оғриб турган бўлишига қарамай, соғлом кишилар орасида бўлади. Касаллик ҳаво-томчи йўли билан ўтади. Бемор йўталганда, аксирганда, гаплашганда сўлак томчилари билан ҳавога кўплаб грипп вирусларини ажратади. Вируслар ҳавода уч соат сақланиб туриши мумкин. Грипп вируси оғиз, бурун, томоқ ва юқори нафас йўллари шиллик пардасига таъсир қилади ва қон оқими-га тушиб, бутун организмни захарлайди. Нафас, нерв, юрак қон-томир тизими ва бошқа аъзоларни зарарлайди.

Касалликнинг **биринчи белгилари** пайдо бўлгунга қадар бир неча соатдан 3 кунгача вақт ўтади ва у шиддат билан бошланади, бемор ҳолсизланиб, боши оғрийди, йўталади, акса ура-

ди, тана ҳарорати 38-40 даражага кўтариллади, кўп терлайди. Мушаклари ва кўз олмаси оғриб, кўзидан ёш оқади. Касалликнинг биринчи белгилари пайдо бўлиши биланок, шифокорга мурожаат қилиш керак. Акс ҳолда касаллик оғир асоратлар келтириб чиқариши мумкин. Агар уйда бемор бўлса, унга алоҳида хона ажратиш лозим, бу хоналарни тез-тез шамоллатиб туриш ва зарарсизлантирувчи моддалар билан артиш зарур. Беморнинг алоҳида идиш-товоғи, сочиғи, ўрин-кўрпаси бўлиши ҳамда унга қараётганлар бурун ва оғизларига дока ниқоб тутиб олишлари, қўлларини тез-тез совунлаб ювиб туришлари керак. Бемор йўталганда, акса урганда оғзи-бурунини дастрўмол билан беркитиши, дастрўмолини иложи бўлса ҳар сафар янгисини ишлатиши, ювиб, дазмоллаши мақсадга мувофиқдир.

Бемор ётган хонани тез-тез шамоллатиб туриш шарт. Беморнинг ҳарорати ошганда, кўпроқ суюқлик (лимонли чой, наъматак дамламаси), қуруқ мевалар қайнатмаси, мева шарбатлари ичиб туриши тавсия қилинади.

Грипп тарқалган вақтда болалар ўртасида оммавий спорт ўйинларини ўйнаш ва кино-театрларга гуруҳ-гуруҳ бўлиб боришлари ман этилади.

**Грипп касаллигининг олдини олишда қуйидаги тавсияларга амал қилиш лозим:**

1. Соғлом овқатланиш талабларига риоя этиш. С витаминига бой озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш:

- кўпроқ суюқлик – наъматак дамламаси, лимонли чой, турли шарбатлар, компот ичиш;

- пиёз, саримсоқпиёз, қизил сабзи, қизил лавлағи, қарам, мева-сабзавотлар, турли салатлар тановул қилиш;

- сут маҳсулотлари (улар танага тушиб зарарланган ҳужайраларни қайта тиклаш имкониятини беради);

- товуқ шўрвага хантал, саримсоқпиёз ва зираворларни солиб истеъмол қилиш жуда фойдали.

2. Жисмоний фаоллик.

3. Гриппга қарши эмлаш чораларини қўллаш. «Оксалин» мазини доимий равишда бурун ичига суртиб юриш. Қўлларни доимий равишда совунлаб ювиш инфекциялардан халос қилади.

4. Танани совуқотишдан сақлаш. Мавсумга қараб кийим кийиш.

5. Хоналарни доимий равишда нам латта билан тозалаб туриш.

6. Уйқу кишки мавсумда 7-9 соатдан кам бўлмаслиги керак. Дам олиш, руҳий саломатликни асраш, яъни яхши кайфият инсонга катта куч беради ҳамда иммун тизимини мустаҳкамлайди. Зарарли одатлардан воз кечиш керак, негаки улар инсон иммун тизимини сусайтиради.

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, касалликнинг олдини олиш ўзимизга боғлиқ.

**Насиба АКРОМОВА,**  
Республика саломатлик ва тиббий статистика институти мутахассиси.

Газета  
муассиси:  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Соғлиқни  
сақлаш  
вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ  
Нашр учун масъул  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.  
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «i» шартли белгиси қўйилади.

Манзилмиз: 100060, Тошкент шаҳри,  
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.  
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета  
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни  
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят  
компьютер марказида  
терилди ва саҳифаланди.

Адади 5355 нусха.  
Буюртма Г-1158.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида  
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

